O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 1-fevral, chorshanba ✱ № 5 (757) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

Ҳайдовчилик гувоҳномасисиз 22 йил

Германиянинг Саксония-Анхальт шаҳридаги полиция ходими ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай туриб, 22 йилдан буён патруль хизмати ва шахсий автомобилини бошқариб келган. Бу ҳақда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳужжатлари текширилганида маълум бўлган.

⇨ 5-бет

Китоб — мўъжизалар яратишга қодир

Дарҳақиқат, Мустақиллик бизга миллий маънавият олами эшикларини ланг очиб берди. Қадриятларимизни, машҳур алломаларимизни танидик. Аждодларимизнинг дунё кезган қадимий қўлёзмаларидан баҳраманд бўлдик.

⇨ 6-бет

Юксак имкониятлар пиллапояси

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" томонидан ўтказиб келинаётган ёш истеъдодлар танловлари фақат ғолибларни аниқлаб, уларни мукофотлаш билан кифояланмайди, аксинча, ёшлар томонидан кўтарилган муаммоларни бартараф этиш, соҳага доир ишланган янги лойиҳаларни амалга татбиқ этиш, танлов давомида етук мутахассислар иштирокида мастер-класслар, ўқув-анжуманлар ўтказиш каби вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "П.Р.Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида"ги ва "О.Х.Оллаберганови Хоразм вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида"ги Фармонлари матбуотда эълон қилинди.

✱ **27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон Ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.**

✱ 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табриги матбуотда эълон қилинди.

✱ **АҚШнинг Сиэтл шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган «Кўҳна Буюк Ипак йўли хазиналарига назар: Самарқанд, Бухоро, Хива» деб номланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

✱ Бельгиянинг инглиз тилида чоп этиладиган «New Europe» газетасида Ўзбекистонга бағишланган қатор мақолалар чоп этилди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ Қарор ва ижро

Арнасойда шундай мактаб бор

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтган йили Жиззах вилояти Арнасой туманида 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси барпо этилди.

150 ўқувчига мўлжалланган кўркам мактаб янги мусиқа ва чолғу асбоблари, компьютер жиҳозлари ва бошқа зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланди. Ҳозир бу ерда санъатсевар ўғилқизлар фортепьяно, миллий ва анъанавий ижрочилик, тасвирий санъат каби ўндан ортиқ йўналиш бўйича сабоқ олмоқда. Шунингдек, бадиий гимнастика ва зардўзлик машғулотлари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчиёшлар ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши, бўш пайтларини самарали ўтказиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Суратларда: тумандаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби; ўқитувчи Зилола Каримова ўқувчи Азамат Сайдуллаев билан.

У.РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Муносабат

Жамиятни демократик янгилаш:

НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Мамлакатимизда эзгу ният ва олижаноб мақсадларга тўла Мустаҳкам оила йили бошланди. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барча соҳаларда эришган ютуқларимизни чуқур таҳлил этар экан, Президентимиз Ислом Каримов ўтган йилни **"Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди"**, дея эътироф этгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ўтган йилда халқимиз кутилган кўплаб юксак ютуқларга эришди. **Авваламбор,** мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этгани ва бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлари сафидан жой олгани бугун ҳар бир юртдошимизнинг қалбига ғурур-ифтихор бағишламоқда. Аслини олганда, бундай марранинг забт этилишини нафақат биз, балки хорижий экспертлар ҳам кутган, бунга қатъий ишонган эди.

2 »

Буюк ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ташкил этилганига 20 йил тўлди

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 5 февралда қабул қилинган фармонига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мамлакатимизнинг бош ахборот маҳкамаси сифатида давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва янгиланишларни, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳияти ва самараларини холис ва изчил ёритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ЎзАни том маънодаги миллий ахборот маҳкамасига айлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида Агентлик нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ахборот маконида ўз сўзи ва овозига эга бўлди.

Мухбиримиз мазкур Агентликнинг ривожланиш йўли, эришган муваффақиятлари ҳамда истиқбол режалари хусусида ЎзА бош директорининг ўринбосари Қулман ОЧИЛОВ билан суҳбатлашди.

4 »



✓ Тараддуд

Боғдорчилик: ҳадсиз хазина

Ёдимда, биринчи синфга борган йилимиз қишлоғимизда иккита енгил, битта юк машинаси бўларди. Шаҳарга кетувчиларнинг омади чопганлари ана шу автоуловларнинг бирида урилиб-сиқилиб бўлсада, туман марказигача етиб борарди. Қайтиш эса бундан ҳам мушкул эди. Чунки қишлоқдошларим ун, ёғ, ем каби маҳсулотлар юкланган машинада чангга беланиб уйига келарди.

Ўша ёқимсиз хотиралардан бугун бизни йигирма йил ажратиб турибди. Бу вақт оралиғида қишлоғимизда юз берган ўзгаришларнинг ҳаммасини бирма-бир таърифлаш қийин. Тасаввур уйғониш учун сўз аввалида таъкидланган машиналар сонини бугунгиси билан таққослашнинг ўзи кифоя. Бундан йигирма йил муқаддам уларнинг сони учта эди. Ҳозирга келиб эса деярли ҳар бир хонадонда биттадан автомашина бор. Бошқа техника воситаларини айтмасам ҳам бўлади. Шу ўринда савол туғилади: қишлоқ аҳолиси ниманинг ҳисобига бундай муваффақиятларга эришди?!

3 »

Жамиятни демократик янгилаш:
НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бир неча ой илгари Халқаро валюта жамғармасининг юртимизда иш олиб борган миссияси, хусусан, унинг раҳбар ходимларидан Вероника Бакалу хоним ва Девид Оуэн томонидан Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш кейинги беш йилда 8,5 фоизни ташкил этгани қайд этилиб, 2011 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизга кўпайиши башорат этилган баёнот матбуотда эълон қилинди. Бутун дунё жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини тугатиш билан банд бўлган бир пайтда ушбу нуфузли **халқаро ташкилот томонидан Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш суръатлари Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқори экани шу тариқа очиқ эътироф этилгани** Президентимиз раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар халқчил ва тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Иккинчидан, ўтган йилни тараққиётнинг "ўзбек модели" эътирофи йили бўлди. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори М.Чен, ЮНКТАД бош котиби С.Панитчпакди ва бош котибнинг ўринбосари П.Драганов, ЮНИСЕФнинг минтақавий бюроси директори С.Аллен, Тинчлик муаммоларини ўрганиш бўйича Женева халқаро институти вице-президенти Ж.Гольдблат, Швейцария матбуот клуби президенти Г.Меттан, Хитой Халқ Республикасининг доимий вакили Я.Фей каби кўплаб дипломатлар, хорижий ва халқаро экспертлар томонидан ана шундай эътирофлар янгради. Бу эътирофларда мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти, етакчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги натижалари, 2010 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбари тақдим этган ва Парламент тасдиқлаган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**нинг туб моҳияти, **"Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола"** мавзуида Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро симпозиум тавсиятлари, умуман юртимизнинг турли жабҳалардаги муваффақиятлари очиқ ва холис акс этгани эътиборга моликдир.

Айниқса, машҳур HSBS хусусий банки тайёрлаган "Дунё 2050 йилда" номли маърузада Европа давлатларида кейинги бир неча ўн йилликда иқтисодий ўсиш пасайиб бориши ташвиш билан башорат этилгани ҳолда, уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг жадал суръатларда ривожланаётган 26 та давлат рўйхатига киритилгани ютуқларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлади. Ҳақиқатан ҳам ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини бугунги кунда ҳамма жойда, ҳар қадамда кўриб кувонмоқдамиз. Ва айни чоғда бундай кенг қамровли янгиланишларга қўшаётган ҳиссамиздан фахрланамиз.

Учинчидан, давлатимиз раҳбари маърузасининг лейтмотиви иқтисодиётни янада либераллаштиришдан иборат бўлди. Салмоқли факт ва рақамларга асосланган чуқур таҳлиллар мисолида, қайси соҳада бўлмасин, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, умуман, беш машҳур тамойилнинг ҳар бири улкан натижалар келтираётгани ишончли далиллар билан кўрсатиб берилди.

Биргина бунёдкорлик борасидаги ишларни олайлик. Халқимизда "Ўз уйим — ўлан-тўшагим", деган нақл бор. Яъни, ота фарзанди туғилиши билан терак экади, боласини уйли-жойли қилиш ҳаракатида бўлади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, ўтган йили юртимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Шундай қилиб, қишлоқ жойларида хусусий уй-жойлар қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошланганидан буён ўтган атиги икки йилнинг ўзида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди. Президентимиз қайд этганидек, **бу йил яна 8 минг 510 та, яъни ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўп якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.**

Тўртинчидан, биз юқорида фақат қишлоқларимизда уй-жойлар қурилишига доир рақамларни келтирдик, холос. Жойларда бу уйлар билан ёнма-ён қанчадан-қанча замонавий инфратузилма объектлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб, лицей ва коллежлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузарлари қурилди, қурилмоқда. Катта-кичик шаҳарларимизда ғоят улкан кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилябпти. Ватанимиз юраги бўлган гўзал пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига туташ обод гўшасида яқинда қад ростлаган муҳташам ва маҳобатли иншоот — "Маърифат маркази"нинг ўзиёқ бу бунёдкорлик замиридаги асосий ғоя, яъни мустақиллик даври архитектураси ўз моҳияти билан нечоғли ноёб, бу ғоянинг бош меъмори муҳтарам Юртбошимизнинг масалага ёндашуви нечоғли аҳамиятли, диди эса беҳад нозик эканини ёрқин намоён этиб турибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бешинчидан, яна бир муҳим йўналиш — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ўтган йили жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоизни ташкил этди. Бу борада алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Эндиликда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Юртимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув-компьютер синфлари ташкил этилган. Мавжуд 9 минг 400 дан зиёд мактабнинг 96 фоизи ZiyoNET электрон ахборот тармоғига уланди. Бу ниманинг далолати? Бу, аввало, интеллектуал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун дадил одимлаётганимиздан далолатдир.

Олтинчидан, ютуқлар одамларимиз даромадлари ва турмуш даражасини оширишга, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Президентимиз қуйидаги муҳим қиёсий фактни келтириб ўтди. Яъни: **"Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди".**

Қисқасини айтганда, нафақат 2011 йил, балки Ватанимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йили тўлалигича ёш давлатимиз учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди. Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечиришга кенг имконият яратиб берди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимизга мазмун бағишламоқда. Албатта, бу каби ижобий омиллар аҳолимизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда.

Президентимиз 2012 йилда олдимизда турган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги энг устувор масалалар қатори жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани муносабати билан зиммамизга юкланган масъулиятли вазифалар ҳақида ҳам атрофлича тўхталди. Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш масаласи шулар жумласига киради.

Истиқлол йилларида эришилган энг катта муваффақиятлардан яна бири давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла **Уйғониш даврига** қадам қўйилгани бўлди. Юртимиз маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, маҳаллаларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, яъни 1992 йил 12 сентябрда Президентимизнинг фармонига мувофиқ Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилгани яққол тасдиқлайди.

Кейинги йилларда барча соҳаларда эришган залворли ютуқларимизда, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва бунёдкорлик бир томондан муҳим ўрин тутса, иккинчи томондан бунда ана шу аҳиллик ҳамда яратувчанлик маскани бўлган маҳалланинг роли жуда катта. Албатта, маҳалла тизимини ривожлантириш борасида бир қатор самарали чора-тадбирларнинг ўз вақтида, босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб борилгани бу борада муҳим аҳамият касб этди. Авваламбор, **маҳалланинг ҳуқуқий мақоми Конституция даражасига кўтарилди.** Бошқача айтганда, Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида маҳалланинг конституциявий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида, ушбу конституциявий қоидани ривожлантиришга қаратилган **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.** Ҳозирги кунда маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлашга қаратилган 50 дан ортиқ норматив ҳужжат мавжуд ва улар мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Юртимизда ҳозир 10 мингдан зиёд маҳалла фолият кўрсатмоқда. Аввал маҳаллий давлат бошқаруви идоралари зиммасида бўлган 30 дан ортиқ ваколатлар маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилмоқда. Бу вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун "Маҳалла" жамғармасининг ташкилий тизими барпо этилган бўлиб, айни пайтда у ўзининг 14 ҳудудий бўлимига, 196 та туман ва шаҳар бўлинмаларига эга. Жамғарма тизимида 1 минг 64 нафар ходим, шунингдек, маҳаллаларда минглаб оқсоқоллар, уларнинг маслаҳатчилари фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда, маҳалла фаолларини ўқитиш тизими шакллантирилгани алоҳида эътиборга моликдир. Қисқа қилиб айтганда, ўтган даврда **маҳалла — миллий демократия дарсхонасига, ўзлигимизни, миллий турмуш тарзимизни намоён этувчи фуқаролик жамияти институтига, том маънода, энг фаол, адолатли ва таъсирчан тизимга айланди.**

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга чинакам меҳр-мурувват кўрсатиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Кези келганда, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида 2006-2011 йилларда амалга оширилган ишлар танқидий-таҳлилий муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Конференцияда "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган энг муҳим вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди

Бу йил — Мустаҳкам оила йилида Конституциямизнинг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Маълумки, Асосий Қонунимиздаги 4 та моддадан иборат алоҳида боб (XIV боб) оилага бағишланган. Жумладан, 63-моддада белгиланганидек, **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга".** Конституциямизнинг 64-моддасида **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур"** деган қоида мавжуд бўлса, 66-моддада **"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"** деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, мустақил юртимиз Асосий Қомусимизнинг ғоя ва нормалари халқимизнинг теран тарихий илдизларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Бошқача айтганда, Бош қомусимиз биз орзу қилган адолатли, очиқ ва демократик жамиятга эришиш учун бизнинг ўзимиз қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини шараф билан ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши асосида ўтган даврда республикамизда Конституцияни ўрганиш бўйича узлуксиз тизим яратилди. Конституцияни билиш — ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва албатта, шу асосда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, конституциявий-ҳуқуқий маданиятни, конституциявий ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш демакдир.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, **"саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади".** Бунинг учун эса ҳар биримиз биринчи навбатда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишимиз лозим. Бу олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир.

Юртбошимиз йил якунлари ва вазифалари кўламига бағишланган мазкур йиғилишда 2012 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини янада ривожлантириш режалари ҳақида тўхталиб, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари бошланганини ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси қуриш кўзда тутилаётганини қайд этганларида, шунингдек, Мароканд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан топшириқ берганларида, хурсандлигидан боши осмонга етиб маърузани тинглаётган қашқадарёлик меҳнаткаш ва фидойи сайловчиларим кўз ўнгимдан ўтди.

Ушбу ҳудуддан сайланган Қонунчилик палатасининг депутати сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, сайловчиларимиз истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида қандай ютуқларга эришган бўлса, ҳақли равишда, ҳаммасини муҳтарам Президентимизнинг юксак эътибори ва оталарча ғамхўрлиги билан боғлайдилар. Вилоятда Муборак газни қайта ишлаш заводи, "Шўртаннефтгаз" унитар корхонаси каби йирик ва ноёб ишлаб чиқариш қувватлари, "аср қурилиши" номини олган машҳур темир йўл тизими бунёд этилгани, замонавий таълим ва шифо масканлари, намунавий лойиҳалар асосида ҳар бир туман ҳудудида ўнлаб-юзлаб шинам турар-жойлар қурилаётганидан айниқса, ўтмишда отабобоси чўпон, деҳқон, нари борса тракторчи бўлган, ўзлари эса энг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, эл-юртимиз ҳаётида муносиб ўрнини дадиллик билан эгаллаётган ёшларимиз ниҳоятда мамнун бўлганига аминман. Чунки уларга дунё стандартлари даражасида жиҳозланган, кўлами ҳам жаҳондаги йирик саноат корхоналаридан қолишмайдиган мана шундай нуфузли иншоотларда ишлаш, мамлакатимиз келажагини барпо этиш бахти, завқи насиб бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан парламент вакилларининг ўтган йилда янги иш ўринлари яратишни ҳуқуқий ва тарғибот йўналишида рағбатлантириш борасидаги фаолиятига катта баҳо берилгани биз, депутатларга беқиёс куч ва шижоат бағишлаганини ҳам таъкидламоқчиман. Юртбошимиз олдимизга қўйган устувор вазифаларни тўлақонли адо этиш учун Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзолари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" фонди ва умуман, фуқаролик жамиятининг бошқа барча институтлари, шунингдек, давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни жорий йилда янги, янада юқори босқичга кўтариш учун астойдил иш олиб бормоқда.

Хулоса ўрнида жорий йил Ўзбекистонда ниҳоятда кўтаринки руҳда, янада кенг бунёдкорлик, яратувчанлик кайфияти билан бошланганини эътироф этиш жоиз. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси — Президентимиз томонидан эълон қилинган Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган маърузаларида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча юртдошларимиз учун том маънода ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларига айланганини яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Тадбир

Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2011 йилдаги фаолият якунлари сарҳисоб қилинди. Муҳокамаларда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш, шу билан бирга, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Мажлисда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юзасидан назоратни кучайтириш ҳамда бу борада мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишнинг зарур чоралари белгилаб олинди. Шунингдек, 2012 йил — Мустаҳкам оила йили муносабати билан оилаларни, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг жамиятдаги ролини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Қолаверса, қишлоқ жойларида уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфратузилма объектларини қуриш, бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат олиб бориш хусусида қатъий талаблар қўйилди.

Йиғилишда жойларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига оид қонунчилик ижросига алоҳида тўхталиб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидаги масалалар билан бир қаторда прокурор назоратининг айрим йўналишларида камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров томонидан вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарлари, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар юклатилди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

БОҒДОРЧИЛИК: ҲАДСИЗ ХАЗИНА

(Бошланиши 1-бетда.)

— Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб барча қишлоқдошларим, бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Бошқоб қишлоғида яшовчи кекса боғбон Мамадали Эсонов. — Бизда сув бормайдиган даштлар ерлар бисёр. Аммо шўро тузуми даврида у ерларга дарахт экиш, боғ яратиш учун "марказ"дан рухсат олиш лозим эди. Бесамар ишга бош қотиришни истамаган халқ шу боис, даштга экин экмасди. Истиқлол йилларида эса аҳоли истеъмоли учун зарур мева-сабзавотлар одамларнинг ўз томорқасида етиштириладиган бўлди. Энди уларни сотиб олишга эҳтиёж сезилмайди. Айниқса, маҳалладошларимнинг боғдорчилик соҳасида қилаётган меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Уларнинг асосий даромад манбаи ҳам соҳибкорликдан.

Сўнгги ўн-ўн беш йилда қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, янги боғлар яратилди. Мавжуд боғлар эса бозор иқтисодиёти шароитига мослаб, қайтадан ташкил этилди. Одамлар тадбиркорлик йўли билан лалми ерларга сув чиқариб, боғ-роғларни кўпайтирмоқда. Хулласкалом, бу ерда ҳам боғбонлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари янгидан-янги олмазорлар, токзорлар ташкил этишмоқда.

Мана шундай меҳнаткаш халқимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли эса мустақиллик йилларида мамлакатимиз бўйлаб 14 минг 600 гектар майдонда янги боғлар яратилди. Сўнгги икки йил давомида эса 4 миллион 213 минг 400 дона интенсив мевали кўчат экилди. Бу эса Ўзбекистонда боғдорчиликда қилинаётган ишларнинг амалдаги тасдиғидир.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда боғдорчиликда ҳосилдорликни ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бутун дунёда иқлимнинг ўзгариб, сув танқислиги сезилаётган мураккаб даврда илмий асосланган, тажрибада синалган, қурғоқчиликка, ҳар хил ҳашарот ва зараркунандаларга чидамли мева навларининг кўпайтирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор муҳим дастуриламал бўлаётир. Шу кунгача мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 40 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида янги боғ ва токзорлар ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилиш учун 14 миллион 628 минг тупдан зиёд мевали дарахт ниҳоллари ҳамда 15 миллион туп ток кўчати етказиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларда Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олиму мутахассисларининг изланишлари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг янги, истиқболли навларни яратиш, навларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, хориждан олиб келинган навлар орасидан маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мослашувчан, энг серҳосилларини танлаб, кўпайтириш бўйича илмий ишларни амалиёт билан уйғун олиб бораётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Жумладан, ўтган йигирма йилда институт селекционерлари мева ва узумнинг 25 та янги навини яратишди. Шунингдек, яна 32 та янги истиқболли навларни синов учун давлат синов комиссиясига топширилди.

Қайд этиш лозимки, шу кунгача яратилган олманинг "Малика", "Қизил тарам олма", "Чўлпон", "Ойдин" "Нафис", нокнинг "Кулола 2", беҳининг "Изобильная", олҳўрининг "Чернослив Самаркандский", гилоснинг "Клон Эльтона", шафтолининг "Шарқ", узумнинг "Ризамат", "Кишмиш Ботир" навлари мамлакатимиз иқлимига мослиги, қурғоқчиликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, синов комиссиясига топширилган олманинг "Сўх маликаси", "Ҳаёт", нокнинг "Тўёна", "Азамат", беҳининг "Мушк беҳи", "Ўзбекистон", шафтолининг "Чеҳра", ўрикнинг "Мароқанд", қорағатнинг "Сиюма", "Рухшона", узумнинг "Кишмиш Малика" навларининг ҳам ижобий самара бериши кутилмоқда.

Ҳозир юртимизда боғдорчиликни ривожлантиришнинг бир неча йўналиши мавжуд бўлиб, паст типдаги боғларни ташкил этиш технологиясидан кенг фойдаланилмоқда. Самарқанд, Фарғона, Тошкент каби вилоятларда яратилган интенсив мевали боғлар бунга мисол бўла олади.

Интенсив боғларнинг афзаллиги шундаки, бу дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун уларга ишлов бериш, кесиш, шакл бериш, суғориш, дори сепиш ва мевани териш қулай. Бундай боғларга ёруғлик яхши тушиши, ҳаво айланиши меъёрида бўлади. Шу боис терилган меванинг сифати юқори бўлиб, нобудгарчилиги кам.

Институт мутахассислари янги узум навларининг интродукция (чет давлатдан келтирилган) қилинган хилларини ўрганиш билан бирга боғларда янги ресурс — тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини кўтариш, тоғ ва тоғолди ҳудудларда токзорлар барпо этиш учун кўпроқ янги навдаги кўчатларни кўпайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришаётгани ҳам диққатга сазовор. Ўтган йил якуни бўйича "Мева-шарбат" боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси тизимидаги хўжаликларда 2 миллион дона узум кўчати, интенсив боғлар учун мўлжалланган 500 минг дона пакана ва ярим пакана олма навларининг кўчатлари етиштирилди. Хориждан келтирилган навлар борасида гап кетганда, Украинадан интенсив боғлар барпо этиш учун уруғли меваларнинг пакана ва ярим пакана пайвандтагларидан 400 минг дона олиб келиниб, улар институтнинг филиал ҳамда тажриба хўжаликларига тақсимлаб берилганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, институтнинг илмий тажриба участкасида Хитой тажрибасини қўллаш мақсадида иситиш тармоқларисиз ишлайдиган, кичик ҳажмли 5 та иссиқхона ташкил этилди. Бу ерда пакана олма, шафтоли, ўрик, лимон кўчатлари экилиб, улардан юқори ҳосил олиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яна бир янгилик. Эндиликда меваларнинг кўчатларини тувакларга экиб, улардан тез ва юқори сифатли ҳосил олишга эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун тажриба сифатида 1500 дона олма, нок, беҳи, гилос, шафтоли, ўрик, олҳўри кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Аҳамиятли томони, бу усулни танлаган ҳар бир хонадон эгаси тувакларда ўстирилаётган бундай кўчатларни уйининг хоҳлаган жойида парваришлаб, ҳосил олиши мумкин. Бу усулда парваришланаётган ниҳоллар иккинчи йилдан ҳосилга киради, 5-8 килограммгача мева беради.

— Яна бир муҳим тажриба, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича раис ўринбосари Равшан Абдуллаев. — Ўтган йилдан бошлаб 30 сотих майдонда суғориладиган туман ҳосил қилиниб, қаламчалардан (вегетатив) кўпаядиган мевали ўсимликларни кўпайтириш мақсадида кўчатхона ташкил этилди. Бу ерга лимон новдалари қаламча усулида экилди. Икки ой давомида қаламчалар илдиз отиб, йил якунигача тўла ривожланди.

Институт мутахассислари айни кунларда Россиянинг Сибирь боғдорчилик илмий тадқиқот институти, Японияннинг Жайка, АҚШнинг ЮСАИД компаниялари билан тажриба алмашмоқда. Ўз навбатида, ўрганилган билим, орттирилган тажриба республикамиздаги фермер, деҳқон хўжаликларига етказилмоқда. Бунинг устига турли кўргазмали семинарлар ўтказилиб, синов мактаби ташкил этилмоқда.

Ҳа, бугун бозорларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва мева-сабзавотлар билан тўлиб-тошишида юртимиз соҳибкорлари билан бирга Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар томонидан яратилаётган янги навлар бир кун келиб дунё бозорларини эгалласа, не ажаб.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Табиат ва биз

Эътибор ва масъулият ҳисси бўлса...

Дарахтларнинг йиғлаганини, аразлаганини ҳеч кўрган ёки кузатганмисиз? Бир воқеани айтиб берай. Ҳовлимизнинг ўртасида қора чиллаки узум бўларди. Ишонасизми, ҳар бош ҳосили камида икки кило тош босарди. Бир куни болалик қилиб, унинг танасига болта урдим. Буни кўрган акам мени койиб, шу заҳотиёқ ток танасига лой суваб, яхшилаб боғлаб қўйди. Аммо йиллар ўтса-да, у қайта барқ урмади. Маҳалламиздаги учта хонадонда шу токдан новда олиб, пайванд қилишганди. Парвариши яхши бўлишига қарамай, айни ҳосилга кирганида улар ҳам биринкетин қуриб қолди...

Табиат ва инсон муносабатига оид мана бу воқеани эса менга боёвутлик бир танишим сўзлаб берди. Бир қарашда эртакка ўхшаб кетадиган мазкур воқеа аслида ҳаётий. Шу маънода, у она табиат, унинг неъматларига беписанд қараётганларни ўйлаб иш қилишга ундаши аниқ. Яқин ўтмишда баҳор, дарахтлар қийғос гуллаган пайт. Хўжалик бригадири иккита бульдозерни олиб келиб, мактаб жамоаси кучи билан ташландиқ ерда яратилган кўркам боғни сурдира бошлайди. Нуронийлар унга бу ишнинг уволи ёмон эканини айтишади. Лекин бригадир ўз билганидан қолмайди: "топшириқ шундай бўлган" дея боғ ўрнига пахта эктириб юборади.

Энди бу ёғига диққат қилинг: мустақиллик йилларига келиб, давлатимиз раҳбарининг аҳолини ер участкаси билан таъминлаш борасидаги ҳаётбахш қарорига кўра, ўша мактаб ёнидаги майдон ҳам уй-жой қуриб олиш учун эҳтиёжманд аҳолига тарқатилади. Ҳовли-жой қурувчилар орасида собиқ бригадир ҳам бор эди. Кўп вақт ўтмай янги бунёд этилган маҳалла ҳовлилари кўркамлашади. Ёш оилалар эса бола қийқириғига тўлади. Аммо хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, боғни бузган кишининг томорқасида на бир дарахт кўкаради, на ўзлари кўпайишади...

Булар инсоннинг табиатга бўлган нооқилона муносабати ҳақида ривоятомуз бир ҳикоя, холос. Аслида, дунёда шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар жуда кўп. Масалан, она заминга, азиз неъматларга хўжасизларча муносабатда бўлиш оқибатида дунёда ҳар куни 1 миллиарддан зиёд киши тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлолмайди. Ёки оби ҳаёт таъминоти ёмонлиги ва санитария ҳолатлари меъёридан пастлиги, яшаш тарзининг ёмонлиги боис кунига 42 минг киши ҳар хил юқумли касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Кўриниб турибдики, она табиатга бемеҳрлик кўплаб кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, олимлар тили билан айтганда, табиат ва инсон ўртасидаги муносабат маълум бир қонунлар орқали бошқарилади. Уларга риоя қилмаслик эртами-кечми, албатта, оғир оқибатларга, ҳатто экологик ҳалокатларга олиб келади. Бу муаммо эса ўзининг башариятга келтириши мумкин бўлган оқибатлари жиҳатидан ядро уруши ҳалокатидан кейинги ўринда туради.

Шукурки, мустақил юртимизда она табиатни асраш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўтган даврда соҳага доир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Она заминга муносабат ўзгарди, наботот оламини асрашга эътибор кучайди. Шунингдек, экология мусаффолигини таъминлаш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ҳозир республикамизнинг қайси вилояти, туман ёки шаҳрида бўлманг, қад ростлаган ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар, қўйингки, атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин бўлган асосий манбаларда янги, замонавий технологиялар жорий қилиниб, тоза ҳаво манбаини таъминлаш имконияти яратилмоқда.

Бундан ташқари, республикамиздаги турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхоналарда ўтказилаётган "Табиат ва биз", "Она табиатни асрайлик", "Тоза ҳаво", "Сув — тириклик манбаи" каби мавзулардаги тадбирлар фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг табиатни асраб-авайлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Аммо айрим юртдошларимизнинг мазкур масалага беписандларча ёндашаётгани оқибатида нафақат атроф-муҳитга путур етмоқда, балки бу ҳол одамлар саломатлигига ҳам катта хавф туғдираётгани ачинарлидир.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 5- ва 6-мавзелар аҳоли гавжум яшайдиган масканлардан ҳисобланади. Бу мавзелардаги кўпқаватли уйларнинг аксарияти катта маблағ эвазига тўлиқ таъмирланган. Лекин бу ерда истиқомат қилаётганларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги натижасида бетон ариқчалар ичи, кириш йўлаклари ҳар хил чиқиндиларга тўлган. Ҳар 5-6 та уй учун алоҳида чиқиндихоналар қурилган бўлишига қарамасдан, елим пакетчалар, бўш идишлар кўр-кўрона ташлаб кетилаверган.

Туманнинг 7-мавзесида жойлашган «Гулистон» маҳалласи ҳудудидан Шокирариқ оқиб ўтади. Бир пайтлар ана шу ариқнинг зилол суви одамлар ташналигини қондириб, ҳовлиларни ҳам обод қилганини шу ерлик отахонлар яхши эслашади. Энди эса... чиқинди борки, сувга ташлашяпти. Таассуфланарлиси, ариқ ёнида болалар боғчаси ва мактаб жойлашган.

Миробод туманига қарашли 1-, 2-, 3-, 4-мавзеларда эса аҳвол бундан-да ёмон: аҳоли яшаш масканлари, кўпқаватли уйларнинг атрофига қараб бўлмайди. Айрим яшовчилар шундоққина яқинида чиқиндихона борлигига қарамай, уйнинг ойнавандидан чиқиндиларни тўғридан-тўғри пастга улоқтиришаётгани яққол кўзга ташланиб туради.

Халқимизда бирни кессанг, ўнни эк, деган нақл бор. Афсуски, айрим жойларда бу нақлга амал қилинмаяпти. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидан кесиб ўтувчи катта трасса атрофидаги нохуш манзаралар ҳам киши кўнглини хижил қилади: терак, тут, чинор ва бошқа дов-дарахтлар ўтин учун кесиб кетилган.

Яна бир гап. Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидан Оқолтин туманигача бўлган ҳудудда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги автомобиль трассаси қурилиб, фойдаланишга топширилганига ҳам уч йилча бўлди. Ана шу йўлнинг икки томонида турли хил дарахт кўчатлари ўтказилган. Аёнки, бунинг учун каттагина маблағ ва куч сарфланган. Лекин яхши ниятда бошланган иш кейинчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Нега деганда, ниҳолларнинг қарийб олтмиш-етмиш фоизи қаровсизлик оқибатида қуриб қолган.

Бир сўз билан айтганда, атроф-муҳит орасталиги, табиат иньом этган н аботот оламини кўз қорачиғидек асраш ва улар бераётган бебаҳо неъмат туфайли умримизга умр қўшиб, саломатлигимизни муҳофазалаш аввало ўз қўлимизда. Бунинг учун эса келажак авлод тақдири учун масъулият ҳисси сезилса бас.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист

Буюк ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси

(Бошланиши 1-бетда.)

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан миллий матбуотимиз ривожига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик юртимизда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари қатори Агентлигимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўли, юз берган улкан ўзгаришлар мисолида ҳам ўзининг юксак самараларини намоён этмоқда, — дейди Қ.Очилов. — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 5 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ)ни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ташкил этилган. Ўтган 20 йил мобайнида агентлигимизда амалга оширилган ўзгаришларнинг қиёси йўқ. Бир мисол. ТАССнинг бўлими сифатида фаолият кўрсатиб келган собиқ ЎзТАГда материаллар юз фоиз рус тилида тайёрланар, она тилимиз эса оддий таржима тилига айланиб қолган эди. Агентликнинг техник жиҳозланиши эса бундан ҳам аянчли бўлиб, ўтган асрнинг 50-йилларидан қолган телетайп аппаратларию уч-тўртта ёзув машинкасидан иборат эди. Улардан бирортаси ҳам (таъкидлайман, бирортаси ҳам!) Агентлик томонидан бевосита сотиб олинмаган. Барчаси ТАССда обдон ишлатилиб, таъмирталаб бўлиб қолганидан кейин Москвадан Тошкентга жўнатилган.

Ана шундай мураккаб шароитда давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Агентлигимиз қайта ташкил этилди ва моддий-техник базасини тубдан яхшилаш учун тегишли маблағ ажратилди, техника ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Доимий равишда кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва юксак эътибор самарасида бугун ЎзА нафақат минтақамиздаги, балки МДҲдаги энг нуфузли агентликлардан бирига айланди.

Ўтган йиллар мобайнида, Агентлигимизда амалга оширилган энг муҳим ўзгариш, менимча, тайёрланаётган материалларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқдир. Бугун материалларнинг деярли барчаси она тилимизда тайёрланмоқда ва мустақил Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Агентлигимиз турли каналлар орқали ҳар куни ўртача мингга яқин хабар олади. Улар мамлакатимизнинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан сараланиб, қайта ишланади, хорижий тилларга таржима қилинади ва истеъмолчиларга етказиб берилади.

— Сизнингча, Ўзбекистон ахборот маконида энг бозори чаққон янгиликлар қайси мавзу ва соҳаларга оид?

— Табиийки, сиёсат ва иқтисодиётга оид янгиликлар доимо "харидоргир" бўлиб келган. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда изчил ва жадал ривожланаётган иқтисодиётимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни ҳам кўпчилик билишни, мутахассислар ўрганишни истайди. Масалан, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган ва ЎзА каналлари орқали матбуотга тарқатилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини дунёда шарҳламаган оммавий ахборот воситаси қолмади, десак хато бўлмайди. Ўша кунлари ЎзАнинг вейб-сайтини очиб, ахборот олувчилар сони кескин кўпайиб кетгани бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" маърузаси ҳозир ана шундай катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўзининг 20 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий баёнотлари, фармон ва қарорлари, фармойишлари, нутқ ва маърузалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларни мамлакатимиз жамоатчилигига етказиш, хорижий давлатларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг ички ҳамда ташқи сиёсатига доир, минтақага хос ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеалар хусусидаги ахборотларни тарқатиш, мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётидаги воқеа ва янгиликларни холислиг-у, ошкоралик тамойиллари асосида ёритишга оид вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, юртимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқ ва марраларни изчил ва таъсирчан тарзда ёритиб бориш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб ишлаш ҳам мақсадимиз, ҳам журналистлик бурчимиздир. Айни пайтда бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари олдимизга ғоят муҳим вазифа ва талабларни қўяётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Одамларни юртимизда ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида тезкорлик ҳамда холислик билан хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчиликда тўғри, соғлом фикрни шакллантириш, тайёрланаётган материалларда ёшларимизнинг қизиқиш ва талабларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бунда фаолиятимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг фаол жорий этилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

— Дарвоқе, Агентлик сайти — uza.uz нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон ахборот майдонида ҳам фаол рақобатга киришаётган ва тез оммалашиб бораётган сайтлардан. Бунинг сири нимада?

— Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланиш барча ходимларимизнинг фаолият мезонига айланиши зарурлигини яхши англаймиз. Қолаверса, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида замонавий ахборот технологиялари ушбу тизимга жадал кириб келмоқда, ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилмоқда, глобал тармоқ имкониятларидан фойдаланувчилар аудиторияси тобора кенгайиб бораётир. Бундай шароитда ЎзА веб-сайти ҳам тобора оммалашиб, ишончли расмий манба сифатида кўплаб хорижий оммавий ахборот воситалари, оддий мурожаат этувчилар эътиборини тортмоқда.

2001 йилнинг май ойида ўтказилган I Миллий интернет фестивалида Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари йўналишидаги энг яхши веб-сайт деб топилган сайтимиз шундан буён мазкур анъанавий фестивалда доимо совриндорлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Бу веб-сайтимизни модернизациялаш, ундан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил изланишлар ва амалий ишлар самарасидир. Ўтган йили унинг мобиль варианти яратилиб, хорижий тиллардаги саҳифалари кўпайтирилди.

Бугун ЎзА веб-сайтига кирган киши материалларимизни ***ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, араб ва хитой*** тилларида ўқиши, турли мавзулардаги ўнлаб фотогалериялардан ўрин олган минглаб суратларни томоша қилиши мумкин. Яқин кунларда сайтимизнинг модернизация қилинган янги, янада замонавий дизайндаги версияси ишга туширилади. Айни пайтда сайтимизнинг испан тилидаги саҳифасини очиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Бу иш ниҳоясига етгач, **uza.uz**даги материалларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари — инглиз, рус, француз, араб, хитой ва испан тилларида ўқиш мумкин бўлади.

— Ҳар қандай жамоа зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутади. Бу масала агентликда қандай ҳал этилмоқда?

— ЎзАда ишлаш журналистдан, аввало, катта ватанпарварлик, юксак масъулият, фидойилик ва тезкорликни талаб қилади.

Агентлигимиз каналлари орқали ҳар куни узатилаётган юзлаб материаллар ана шундай талабларга жавоб берадиган мухбир, шарҳловчи, муҳаррир, фотомухбир, таржимон ва техникларимиздан иборат аҳил жамоамизнинг меҳнати самарасидир. Ўз истеъдод ва маҳорати, юксак профессионализми билан ном қозонган ходимларимиз кўп — Воҳид Луқмонов, Олим Турақулов, Хуснидин Бердиев, Анна Иванова, Лилия Пак, Зебо Бобоева, Зуҳро Усмонова, Назокат Усмонова, Умид Ёқубов, Сарвар Ўрмонов, Нодира Манзурова, Ирода Умарова, Меҳрибон Маметова, Тошқул Бекназаров, Муқимжон Қодиров... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг ёши, миллати, маълумоти турлича. Лекин барчасини бир фазилат бирлаштириб туради — бу Президентимиз Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсатга, Ўзбекистонимизга, истиқлол ғояларига юксак меҳр ва садоқат туйғусидир. Агентлигимизда бундай ҳозиржавоб, тезкор, ўз касбини жону дилидан севадиган ва фидойи журналистларимиз кўплиги билан фахрланамиз. Бироқ ҳар бири беш-олтитагача тилни пухта биладиган бундай малакали журналистларни тарбиялаб вояга етказиш осон иш эмаслиги ҳам яхши маълум.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, истиқлол йилларида Агентлигимиз ҳақиқий ижод маскани, маҳорат мактаби, кадрлар тайёрлаш марказига айланди. Бугунги кунда ЎзА мактабини ўтаган ўнлаб кадрлар давлатимизнинг нуфузли бошқарув идораларида, бошқа кўплаб соҳаларда самарали меҳнат қилаётгани бунинг далилидир.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида. Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ мустақиллик йилларида Агентлигимизнинг бир қатор ижодий ва техник ходимлари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Журналистларимиз нуфузли танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Бугун журналистларнинг ихтисослашуви, масъулияти ва одоби ҳам кўп муҳокама қилинмоқда...

— Бу масалалар ҳар доим долзарб бўлиб келган. Аввало, ихтисослашув ҳақида. Муайян соҳага ихтисослашмаган журналист ерни борона билан шудгорлашга киришган деҳқонга ўхшайди. Боронанинг тиғи ҳар қанча ўткир бўлмасин, ерни плугдай чуқур шудгор қилолмайди. Демак, олинадиган ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Бошқача айтганда, инсон қайси соҳада, қайси ишга қўл урмасин, бутун вужуди билан, меҳрини бериб ишлаши керак. Шунда кўзлаган мақсадига эришади, барака топади.

Айни пайтда соҳага чуқур кираман, деб ёзилаётган мақолани ребусга айлантириб кўйиш ҳам ярамайди. Ҳар неки, аввало, содда бўлса, гўзалдир.

Масъулиятсиз ва одобсиз одамга эса нафақат журналистликни, ҳатто ҳаммом қоровуллигини ҳам ишониб бўлмайди.

Халқимиз журналистларини Ватанимиз манфаатларининг фаол тарғиботчиси, ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида бамисоли кўприк вазифасини бажарадиган холис воситачи, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳамда натижаларини жамоатчиликка етказиш йўлида доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди. Демак, ҳар биримиз ана шу юксак ишончга муносиб бўлишимиз лозим. ЎзА каналлари орқали халқимизни ҳар доим яхши ва қувончли хабарлардан баҳраманд этиш насиб қилаверсин!

"Hurriyat" мухбири
Иномжон АБДИЕВ
суҳбатлашди.

Публицист ижодига назар

Юртимиз ўзининг меъморий обидалари билан жаҳонга машҳур. Бу тупроқда бино бўлган ҳар бир иншоот ўзининг нафақат гўзаллиги, балки тарихий маълумотларга, афсоналарга бойлиги билан ҳам бениҳоя улуғворлик касб этади. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини туйиш — аждодларга эҳтиром, авлодлар олдидаги қарздир. Истеъдодли шоир, таниқли олим ва таржимон Абдулла Шернинг юртимизнинг меъморий обидалари ҳақидаги бадиҳалардан ташкил топган «Асрларнинг асраганлари» китоби бу борада қўйилган улкан қадамлардан бири бўлди.

«Асрларнинг асраганлари»



Меъморий-эстетик қадриятларимиз ҳақидаги ҳикоялар, қизиқарли тарихий воқеалар ҳамда ривоятлардан таркиб топган ва мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган ушбу китоб замондошларимизни ўзига хос гўзаллик ва улуғворлик қўшиғига айланиб кетган мозий синоатлари томон етаклайди.

Албатта, зиёратгоҳлар ҳақида аввал ҳам жуда кўплаб китоблар ёзилган. Лекин бу китобнинг улардан бир талай фарқли жиҳатлари бор. Аввало муаллиф такрорий гапдан ўзини тияди. Ҳар бир қадамжога зиёратчигина эмас, балки моҳир тарихчи, тажрибали публицист, истеъдодли шоир-ижодкор нигоҳи билан қарайди. Ўзининг болалик хотиралари ва таассуротлари йўғрилган кўрган, билган, эшитган ва ўқиганларини шоирона усулда бадиҳалар маржонига тизади.

Қадим Самарқанд, Шаҳрисабз, Хўқанди латиф, Бухорои Шариф, Тошкент каби шаҳарларимиз, Шоҳизинда, Афросиёб, Оқсарой каби обидалар, Зангиота зиёратгоҳи, Амир Темур, Бибихоним, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий каби забардаст инсонлар ҳаёти ва фаолияти хусусида янгича фикрларни баён қилади.

Ҳар бир мақбара, мадрасаю масжидларнинг тархи сўзлар воситасида чизилади. Тарихий манбалардан мисоллар, ривоятлар келтирилади. Кўнгилдан тўкилган шеърлар ўқувчи қалбида туғилаётган ҳиссиётларни янада алангалатади. Масалан, муаллиф «ўлик шаҳар» дея таърифланадиган Шоҳизинданинг тор кўчалари, мақбаралари ҳақида фикрини ифода этар экан, замонлар урҳосини туйгандек бўлади. Муаллиф ёзади: «Меъморлик илмининг таниқли алломалари Шоҳизиндани тасвирий санъат услубидаги буюк ёдгорлик деб атайдилар. Мен эса уни сўзсиз қўшиққа, илоҳий мусиқага ўхшатаман. Уни гумбазлар куйлаётган «Гиря» деб атагим келади: уни инсон қалби жуда яхши ҳис қилади, лекин сўз билан тасвирлаб беришга ожиз, уни ҳар ким фақат қалби билангина эшитиши мумкин. Бу энг буюк, энг маъюс, абадий оҳангни гумбазлар вақт шамолига бўй бермай авлодлардан авлодларга куйлаб келадилар, иншооллоҳ бундан кейин ҳам куйлаяжаклар...» Самога бўйлаган миноралар, жангу жадалларнинг, тарих тилсимларининг овози туйғулар билан қоришиб назмга айланади:

Бир зум бош эгиб, дўстим, аста тўхтайлик қулоқ,
Қалқонларнинг жаранги қаъдан садо бермоқда.
Ана, бир камон ипи узилиб кетди ногоҳ,
Бунча таранг тортдийкин, бунча ғазаб бармоқда?

Айт, булар қайдан олмиш бунчалик меҳру ишқни
Сийрати ватан бўлган оташга ёки бутга?..
Тутилмай куйлармизми, умр деган қўшиқни
Биз ҳам муҳаббат қўйиб давр отлиғ маъбудга?

«Буюк Оқсарой» бадиҳасида келтирилган ривоят ниҳоятда ибратлидек туюлди. Эмишки, Амир Темур эндигина ҳокимият тепасига келганида мўғул хонларидан бири унинг куч-қудрати, аскарлари салоҳиятини билиш учун элчи қиёфасида ўз хуфяларини юборибди. Сиёсатнинг бундай нозик ўйинларини теран англаган Соҳибқирон ўйлаб-ўйлаб, оғир гуноҳи туфайли ўлимга маҳкум этилган икки маҳбусни ёнига чорлайди ва дейди: «Сизлар гуноҳингизга яраша жазо олишларингиз муқаррар. Аммо ўлим олдидан шаънингизни оқлашга имкон бераман. Эртага мўғул элчилари келаяпти. Уларни кутиб олиш маросими Оқсарой устида бўлади. Камина улар келтирган номани тасодифан қўлимдан тушириб юбораман. Сизлар уни ҳавода ушлаб олишларингиз керак. Агар сўзларим мақбул бўлса, розиман, денглар. Фарзандларингиз абадул-абад хор-зорлик кўрмай яшашларига ваъда берурман». Маҳбуслар рози бўлишгач, уларга навкарлар кийимини кийдиришибди.

Эртасига қабул маросими бошланибди. Мўғул хонининг номасини ўқиётган Амир Темур уни бехосдан тушириб юборибди. Навкар кийимидаги маҳбуслар шу заҳоти уни ушлаш учун ўзларини пастга отишибди. Қарашсаки, икки навкар номанинг икки четидан ушлаган кўйи тил тортмай ўлган экан. Мўғул хони бу воқеани эшитиб, жанг қилиш фикридан қайтибди. Амир Темур эса ваъдага вафо қилиб, маҳбусларнинг фарзандларини саройга ишга олибди.

Тўпламда тарих дарсликларидан топиш мушкул бўлган бундай афсона ва ривоятлар бисёр. Бадиҳалар силсиласида тақдим қилинган мазкур публицистик материаллар юртимиз ва унинг бетакрор обидалари тарихига қизиқувчи барча китобхонларга манзур бўлишига ишончимиз комил.

Шаҳина ОҚИЛЖОНОВА

Ҳамкасб

Интилиш — умр безаги

Қалам аҳлига оппоқ қоғозни қоралаш ҳеч қачон осон кечмаган. Воқелик ҳақида хабар бўладими, таҳлилий мақола ёзишми барча-барчаси мушкул иш. Муаллиф зиммасида катта масъулият мужассам. Чунки ўзингизга ҳали нотаниш бўлган объектни атрофлича ўрганиш, бу ердаги фаолиятнинг моҳиятини англаб етиш, ҳатто мазкур жойнинг турдошларига нисбатан эгаллаган ўрнию мавқеини аниқлаш жуда муҳим. Ана шундагина ёзилажак мақола барчага маъқул бўлиши мумкин. Ҳар гал газетада чоп этиладиган телевидение ёки радио эфирига узатиладиган мақолалар шу йўсинда яратилади. Агар бу жараёнда юзакичиликка йўл қўйилса, буни газетхон дарҳол пайқайди ва шу нашрдан раъйи қайтади, албатта.

Ҳамкасбимиз Муҳаммаджон Раҳматов ҳам юқоридаги ҳолатларни бошидан кўп ўтказган журналистлардан. У 36 йиллик умрини шу касбга боғлади. Бу касбнинг-да, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини қалбидан ўтказиб, яшаётган бу инсон ҳақида ёзиш зиммамга тушганида, очиғи, жуда иккиландим. Бошқа соҳа мутахассислари ҳақида ёзиш нисбатан осондай кўринади. Журналистнинг ўз касбдоши ҳақида ёзиши анчайин синов... Лавҳамиз қаҳрамони билан учрашишга бораяпман-у, ҳаяжонланаётганимни сездим.

Хайрият, хижолатбозликдан Муҳаммаджон аканинг ўзи қутқарди. Учрашганимизда савол беришимни ҳам кутиб ўтирмасдан:

— Эҳ, қани энди бир мўъжиза юз берса-ю, ҳозирги 25-30 ёшли йигитга айланиб қолсам. Эсимда 1991 йилда Хитойда ўтказилган бир тадбирни Тошкентга узатиш учун аввал Пекинга, ундан Москвага мурожаат қилганмиз. Бу ўртадаги сансалорликларни айтмайсизми? Ҳозир мамлакатимизда Хитой нарида турсин, ер юзининг хоҳлаган тарафидан ҳам исталган ёзма, аудио ёки видеоёзувли материалларни бирпасда пойтахтимизга етказиш имконияти мавжуд. Айни пайтда бу ердан ҳам дунёнинг исталган жойига юқоридаги каби маълумотларни узатиш муаммо эмас. Қолаверса, бугун журналистга берилаётган эътибор ҳам ўзгача. Фаолиятимни собиқ иттифоқ даврида бошлаганман. Ватанимиз мустақилликка эришгач, мен хизмат қилган телевидение соҳаси бутунлай ўзгариб кетди... Шу боис, бу икки даврни таққослаш имкониятига эгаман. Шўролар даврида ҳамкасбларимизни ҳаяжонга солувчи бирор тадбир ўтказилганини эслай олмайман. Ҳозир эса халқаро мақомга эришган "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", ҳамкасб аёлларимиз учун "Атиргул" каби танловлар ҳар бир журналистни олға ундайди, рағбатлантиради. Ҳар йили касб байрамимизни катта ҳаяжон билан кутаман. Мустақиллик байрами муносабати билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони, турли даражадаги орден ва медалларнинг ҳамкасбларимиз кўксига тақилаётгани фикримнинг исботидир...

Муҳаммаджон ака тўлқинланиб гапирар, мен бу инсоннинг журналистик нигоҳи ўткирлигидан, жамият ҳаётидаги ўзгаришларни теран назар билан кузатишидан завқланаман. Айни дамда бу инсондан кўп нарсалар ўрганиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телерадиоканалида ишловчи йигит-қизларга ҳавасим келди. Чунки улар шундай ажойиб устоз ўгитларидан баҳраманд бўлиш бахтига эгадирлар.

М.Раҳматов 1976 йилда Ўзбекистон телевидениесининг "Ахборот" таҳририятига ишга келган экан. Бу даргоҳда 2003 йилга қадар турли лавозимларда ҳаёт йўлини босиб ўтган истеъдодли журналист 1991 йилда Президентимиз томонидан Фахрий ёрлиқ, 2002 йилда эса "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган.

Мана шулар ҳақида ўйлар эканман, қай бир соҳада ишлашдан қатъи назар, инсонни фақат ҳалол меҳнатгина улуғлашига имон келтирдим. Республикамиз бўйича М.Раҳматовга тенгдош минг-минглаб инсонлар истиқомат қилишади. Улар орасида ҳунармандлар, ҳайдовчилар, врачлар, ўқитувчилар, деҳқонлар ва бошқа юзлаб касб-ҳунар соҳиблари бор. Бу инсонлар орасида Ватанимизнинг юксак мукафотлари билан тақдирланганлар ҳам талайгина. Қаҳрамонимиз Муҳаммаджон ака ҳам улар сафида эканидан, энг муҳими, замон билан ҳамқадам, ҳамнафаслигидан кўнглимиз тоғдай кўтарилади. Ўз касбидан эътибор топган инсонлар билан суҳбатлашиш, улар ҳақида муштарийларимизга ҳикоя қилиш ҳамиша қалам аҳлига завқ бағишлайди.

Фахриддин РАҲИМОВ

Газета ҳар тонгни тарихга муҳрлайди.

Эрнест Хемингуэй

Дараклар

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ



Контрабанда ва гиёҳвандликни фош этишга қаратилган божхона текширувлари Малайзиянинг Куала-Лумпур марказий аэропортига етиб келган йўловчиларнинг шаҳарга кириш вақтини тўрт баробар узайишига сабаб бўлди.

«Биз гиёҳванд моддалар ва ноқонуний ашёларни топиш мақсадида йўловчиларнинг ишлари қанчалик шошилинч бўлмасин, уларни навбатга қўйиб, бирин-кетин текширамиз», — деди божхона директори ёрдамчиси Зайнал Абидин Таиб.

Шу кунгача мамлакатга келган йўловчиларни назоратдан ўтказиш учун 15 дақиқа вақт кетарди. Энди эса бу кўрсаткич бир соатгача чўзиладиган бўлди. Таибнинг таъкидлашича, бу йўл билан мамлакатда қисман бўлса-да, контрабанда ва гиёҳвандликнинг олдини олиш мумкин.

Ўтган йили айнан мамлакат аэропортида гиёҳванд моддаларни қўлга тушириш билан боғлиқ умумий суммаси 60 миллион АҚШ долларига тенг 92 та ҳолат аниқланган. Божхона мутасаддилари текширувларнинг янада самара бериши учун янги ихтирони қўллаш арафасида турганликларини ҳам яшириб ўтиришмади.

ТАЛАБАЛАР УЧУН УЙ

Швециянинг Лунд шаҳрида талабалар яшаши учун мўлжалланган кичик уйлар қурилиши бошланди. «The Local» нашрининг ёзишича, бу уйлар фақат аялочи талабаларгагина ижарага берилади.

Талабалар учун мўлжалланган ихчам уйлар қуриш ғоясини «AF Bostader» компанияси рўёбга чиқарди. Том қисмида ётоқхонаси бўлган бу уйларда ошхона, дарс қилиш учун жой ва ҳоказо қулайликлар муҳайё. Компания вакилларининг таъкидлашича, авваллари ўртача катталикдаги уйлар учун талабалар ойига 620 АҚШ доллари сарфлашган бўлса, эндиликда бу мини коттежларнинг ойлик тўлови 370 долларни ташкил этади.

Шунга қарамай, шаҳар турар жой комиссияси бундай уйлар яшаш учун ўта зич эканини важ қилиб, унинг қурилишига қарши чиқмоқда. Шу туфайли 100 га яқин ихчамгина бу коттежларнинг қурилиши тўхтатилиши мумкин. Аммо компания раҳбарлари бошлаган ишларини охиригача етказиш ниятида.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИСИЗ 22 ЙИЛ

«Volksstimme» газетасининг ёзишича, Германиянинг Саксония-Анхальт шаҳридаги полиция ходими ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмай туриб, 22 йилдан буён патруль хизмати ва шахсий автомобилини бошқариб келган. Бу ҳақда йўл-патруль хизмати ходимларининг ҳужжатлари текширилганида маълум бўлган.

Аниқланишича, полиция ходимида фақат трактор ва мотоциклни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома бўлган. Шунинг учун ҳам қонун посбони ўзини айбдор деб билмаяпти. Унинг таъкидлашича, мавжуд ҳайдовчилик гувоҳномаси енгил машиналарни бошқариш ҳуқуқини беради, деб ўйлагани учун раҳбариятни бундан огоҳ этмаган.

Ҳозир полиция ходими ҳайдовчилик гувоҳномасисиз узоқ йиллар мобайнида автомобиль бошқарганликда айбланмоқда. Исм-шарифи сир сақланаётган ходим хизмат вазифасидан бўшатилиши ҳам мумкин.

ЕРГА ТУШГАН ЮРАК ИШЛАБ КЕТДИ

«Associaeted Press» тарқатган маълумотларга қараганда, шифохонага олиб келинаётганида ерга тушиб кетган донор юрак охир-оқибат бошқа бир кишига муваффақиятли тарзда кўчириб ўтказилди.

Юрак Франциянинг Лион шаҳри кўчаларининг бирида автоҳалокатга учраб, вафот этган кишига тегишли эди. Полиция вертолёти орқали воқеа жойидан тиббиёт марказига етказилган махсус идишдаги юрак шифохона ходимларининг уқувсизлиги оқибатида ерга тушиб кетган. Хайриятки, бу нохуш ҳолат операцияга салбий таъсир кўрсатмади.

Шунча шов-шувга сабаб бўлган бу ноёб аъзо 28 ёшли юрак пароги билан оғриган Эрика Эрнандесга кўчириб ўтказилди. Операциядан сўнг бир неча кун ўтиб, бемор ўзига келди ва донорнинг оила аъзоларига улардан чексиз миннатдор эканини билдирди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БОКСЧИСИ

Америка журналистлар ассоциацияси 2011 йилнинг энг кучли боксчисини аниқлашга қаратилган сўровни якунига етказди. Сўров натижаларига кўра, 27 ёшли Андре Уорд барча номзодларни, шу жумладан, энг оғир вазнда жаҳон чемпиони Владимир Кличкони ҳам ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда ассоциациянинг расмий сайти хабар тарқатди.



Йилнинг энг кучли боксчиси унвонига филиппинлик Нонито Донер ва Мэнни Пакиао, шунингдек, америкалик Флойд Мейуэзерлар ҳам даъвогарлик қилганди. Қолган ўринлар кетма-кетлиги ҳозирча ошкор этилмаяпти, аммо Уорднинг натижаси бошқаларникига нисбатан анча юқори экани маълум.

Уорд 76,2 килограмм вазн тоифасида WBC (Жаҳон бокс кенгаши) версияси бўйича чемпионлик унвонига эга. У, шунингдек, WBA (Жаҳон бокс ассоциацияси) версияси бўйича мутлақ чемпион ҳисобланади.

Уорд ўтган йилда иккита жанг ўтказди. Май ойида Артур Абрахаамни, декабрда эса Крал Фрочни мағлуб этди. Уорднинг бу жанглари Super Six World Boxing Classic мусобақаси доирасида ўтказилгани сабабли 2011 йилнинг энг кучли боксчиси сифатида ном қозонди.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Инқироздан чиқиш йўли

Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий форумида ҳам топилмади

Куни кеча Швейцариянинг Давос шаҳрида 42-Бутунжаҳон иқтисодий форуми якунланди. Мана, тўртинчи йилдирки, мазкур анжуманда глобал молиявий-иқтисодий тангликдан чиқиш масаласи кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу гал ҳам биринчи навбатда евроҳудудга кирган давлатларнинг қарзи ва улардан қутулиш йўллари, тараққиётнинг ойдин ўзанларига тушиб олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Форумда аниқ қарорлар қабул қилинмаган бўлса-да, якуний баёнотда иштирокчилар иқтисодий ўсишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш учун курашиш, ижтимоий эҳтиёжлар учун имкони борича кўпроқ маблағлар ажратиш зарурлигини таъкидлашди.



Форум материаллари билан танишар экансиз, 2012 йилда ҳам глобал молиявий инқироз дунё саҳнини тарк этмаслигига гувоҳ бўласиз. Жаҳоннинг аксарият давлатлари, айниқса, Европа 2008-2009 йилларидаги танглик оқибатларини охиригача бартараф этолмагани, ишсизлик суръати ўсиб, бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовутнинг ошиб бораётгани, олдинда эса бўҳроннинг янги тўлқини бостириб келаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Тадбир очилишида Форум асосчиси ва узоқ йиллик раҳбари Клаус Шваб эътироф этганидек, тараққиётнинг ҳозирги шакли инсоният талабларига жавоб бера олмай қолди.

— 2009 йилнинг молиявий инқирозидан сабоқ чиқара олмадик. Энди бизга глобал ўзгаришлар керак ва улар ижтимоий дахлдорлик ҳиссидан бошланиши даркор, — дейди Шваб. — Шу нуқтаи назардан «Давос-2012»нинг «Буюк трансформация: янги моделларнинг шакллантирилиши» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда. Кузатувчилар фикрича, бундай жараён глобал микёсда рецессияга, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкин.

Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит кобилиятининг кескин пасайиши, инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қайд этиш керакки, Европанинг «локомотив»ларидан бири Германия ҳисобланади. Европа Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан жипслашуви учун курашаётган мазкур давлат инқироздан чиқиш учун дадил режаларни илгари сурибгина қолмай, Португалия, Греция ва Испания каби дефольт остонасида турган давлатларга энг кўп молиявий кўмак ажратмоқда. Халқаро иқтисодий анжуманда нутқ сўзлаган Германия канцлери Ангела Меркель яна бир бор Европа давлатларини оғир инқироздан чиқиш йўлида янада мустаҳкамроқ ҳамкорлик ўрнатишга чақириб, уни бартараф этиш анча вақт олишини таъкидлади. Бироқ Германия ҳукумат раҳбарини Европа молиявий барқарорлик фондининг кенгайтирилиши режаси қаноатлантирмаслиги маълум бўлди. Бунинг ўрнига Меркель хоним ЕИ давлатларини бюджет маблағларини тежаш тўғрисида кўпроқ бош қотиришга чақирди. Канцлернинг бу фикрига Халқаро валюта жамғармаси раҳбари Кристин Лагард қўшилмади. Унинг фикрича, молиявий барқарорлик йўлида Европанинг йирик давлатлари фондга кўпроқ маблағ ажратишлари керак.

Мана шундай тортишувлар манзарасида евронинг келажаги юзасидан хавотирлар тобора ошиб бораяпти. Негаки, ХВЖ экспертлари эътироф этаётганларидек, бирор давлатда евро инқирозига қарши иммунитет мавжуд эмас. Форум давом этаётган бир паллада «Fitch» агентлиги томонидан Бельгия, Кипр, Италия, Испания ва Словения рейтингининг пасайтирилиши изоҳга ҳожат қолдирмаса керак.

«Давос-2012»нинг яна бир муҳим мавзуси иқтисодий нотенглик масаласи бўлди. Форум ҳисоботида ҳам бу мавзу яқин ўн йилликлардаги энг йирик хавфлардан бири сифатида тилга олинди. Шуниси эътиборга сазоворки, бу ҳақда энг пулдор тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам гапира бошлашган. Чунки ҳақиқатдан ҳам сўнгги тўрт йил мобайнида танглик туфайли бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовут сезиларли даражада ортиб, ижтимоий норозиликлар кучайган.

Эътироф этиш керак, бу галги Давос анжуманига ҳар доимгидан ҳам кўра кўпроқ (2600 дан зиёд) меҳмонлар ташриф буюрди. Бироқ иштирокчи давлатлар сафи нисбатан камроқ бўлди. «The Financial Times» газетасининг ёзишича, дунё иқтисодиётидаги таъсири ошиб бораётган Хитой 30 йиллик анъанага чек қўйгани ҳолда, биринчи маротаба юксак даражали форумга ўз вакилларини жўнатмаган. Пекин расмийлари буни тадбирнинг миллий байрамга тўғри келгани билан изоҳлашмоқда. Бироқ таҳлилчилар фикрича, Хитой қуруқ баёнотлар тарқатиш билан овора бўлиб қолаётган бундай саммит ва учрашувлардан кўра, ички муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланишни афзал кўрмоқда.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Хориж матбуоти саҳифаларида

"La Repubblica" (Италия)

АҚШ БОМБА ТАЙЁРЛАМОҚДА

АҚШ сайлов компанияси президент Обамани уруш гирдобига туртиб юбориши мумкин, деб ёзади Анжело Акуаро ўз мақоласида.

"Пентагон Эроннинг ер ости атом заҳираларини яксон қилиш мақсадида оғирлиги 13 тонналик супербомбани яратиш учун 330 миллион доллар сарфлади. Лекин дастлабки синов кўрсатмоқдаки, МОР (Massive Ordnance Penetrator)нинг кучи Фордоу тоғида жойлашган мўлжални яксон этишга ожиз. Шунинг учун АҚШ мудофаа вазирлиги Конгрессга яна 82 миллион доллар сўраб мурожаат этди. Бу маблағ мутахассисларнинг малакасини ошириш ва бомбани янада такомиллаштиришга сарфланади", — дея ёзади газета.

Кўплаб холис кузатувчилар сайловолди компаниясининг Исроилни ёлғизлатиб қўймаслик мақсадида қилинаётган бу тазйиқи Нобель мукофоти лауреати — АҚШ президенти Барак Обама учун қимматга тушиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

"Le Monde" (Франция)

САН-ПАУЛАДАГИ ОМАДСИЗ УРУШ

"Бразилия ҳукумати гиёҳванд моддалар истеъмолига қарши жиддий кураш олиб бориш ниятида", — деб ёзади газета мухбири.

Мақолада ёзилишича, гиёҳванд моддалар савдоси ўтган юз йилликнинг 90-йилларида Сан-Паула марказида пайдо бўлган эди. Дастлаб шаҳар раҳбарияти гиёҳванд моддалар савдосига қарши ҳарбийлар ва маҳаллий полициячилар ёрдамида курашмоқчи бўлишди. Ярим кечаси ўйланган режа амалга оширилди. Полициячилар қўлларида кўздан ёш оқизувчи газ ва ҳимоя қалқони билан белгиланган ҳудудга ёпирилишди. Операция маҳаллий аҳоли учун мутлақ кутилмаган ҳодиса бўлди. Полиция бу ерда бир неча кун жонбозлик кўрсатди. Натижада 400 грамм гиёҳванд модда топилди, 67 киши қамоққа олинган, 47 киши эса даволаш муассасасига юборилди. Бу, албатта, жуда кам кўрсаткич.

Мамлакат парламенти комиссиясининг маълумотларига кўра, Бразилияда бир кунда 800 килограммдан 1200 килограмгача гиёҳванд модда истеъмол қилинади. Бу савдо атрофида эса 1 миллиондан кўпроқ одам машғул. Бундай аянчли ва ташвишли манзара билан курашиш учун ҳукумат 4 миллиард доллар маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда.

"Мамлакат президенти Дилма Русеффнинг сўзларига асосан гиёҳвандлик билан курашишнинг бенуқсон усули йўқ. Аммо шунга қарамай жамиятни инқирозга чорлаётган иллат билан курашни тўхтатмаслик зарур", — маълум қилади журналист мақола сўнггида.

"Daily Mail" (Англия)

АСЛИ АМЕРИКАЛИКЛАР СИБИРЛИК БЎЛГАН...МИ?



Америка ҳиндулари ўз шажарасини Олтой томонлар билан боғлайди. Шимолий Америка ва Олтой республикаси аҳолиси ўртасида ўтказилган ДНК текширувларининг ўхшашлиги шундай дейишга асос бўлади. Газетанинг навбатдаги сонида журналист Роб Во бу ҳақда анчайин мулоҳазали фикр юритади.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, генеалогик силжиш 13-14 минг йил аввал содир бўлган. Бу эса, ўз навбатида, Сибирь аҳолиси бундан 15-20 минг йил аввал ҳозирги Беринг бўғозини кечиб Америкага келиб қолган, деган тахминни тасдиқлаб турибди. Пенсильвания университети доктори Теодор Шурранинг сўзларига қараганда, келиб чиқиши асли Олтой ҳудудига бориб тақаладиган элатлар Америка ҳиндуларининг аждоди бўлиб чиқди. Демак, ҳиндуларнинг ота-боболари бундан тахминан 20-25 минг йил аввал Сибирда эл бўлган, кейинроқ эса Америка қитъаси уларга ота макон бўлиб қолган.

"Доктор Шурра жамоасининг тадқиқотлари Америка ва Осиё ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади", — деб қўшимча қилади мухбир Роб Во.

Улуғбек АСРОРОВ тайёрлади.

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти

2012 йил 2 март куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар, Оҳангарон кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш қўмитасининг «Магнит» комбинати балансидаги 1984й.и\ч, д\р 11АН632, бошланғич нархи 1 875 000 сўм бўлган «КАВЗ 685» ва Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг 1-савдо бўлинмаси балансидаги 1991й.и\ч, д\р 10ТQ612, бошланғич нархи 1 850 000 сўм бўлган«УАЗ-330301», 1990й.и\ч, д\р 10ТQ611, бошланғич нархи 1 600 000 сўм бўлган «УАЗ-37411», 1985й.и\ч, д\р 10ТQ616, бошланғич нархи 1 850 000 сўм бўлган «ГАЗ-52» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги д\р 01/899NAA бўлган «Опель Омега» — 23 205 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси 2-ҳарбий савдо ташкилотининг д\р 11ТР671 бўлган «ГАЗ-53» — 820 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси балансидаги д\р 10ВЕ624 бўлган «ВАЗ-21053» — 1 555 000 сўмга ҳамда "банкрот" деб эътироф этилган «PROFI PLAST INVEST PLUS» МЧЖ балансидаги д\р 01/959GAA бўлган «Нексия S150 GL» — 11 900 000 сўмга ва «GRAND TEA PACKING» МЧЖ балансидаги д\р 01/050NAA бўлган «Нексия S150» — 11 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Бугуннинг гапи

КИТОБ — МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШГА ҚОДИР

Ижод ва истеъдод ҳақида кўп ўйлайман. Бу ноёб хислатлар замирида жуда катта маъно, бир тоифа одамларнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг тақдири мужассам эканлигини ҳис қиламан. Истеъдодли инсонларнинг бутун бир халқ, мамлакат ҳаётини ўзгартириб юборганлари тарихдан яхши маълум.

Халқимиз, Ватанимиз тарихида Абу Райҳон Беруний, Мусо Муҳаммад Хоразмий, Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Аҳмад Фарғоний сингари ярaтилиши энг буюк кашфиётлар ҳисобланади. Булар-сиз илм бўлмасди, илмсиз эса тараққиёт, бугунги нурли кунлар...

Дарҳақиқат, ҳамма замонларда илм аҳли, ижодкорлар қадрланган. Аммо бундай рутбага эришиш ҳеч қачон осон кечмаган. Бунинг учун сабр ва чидам билан китоб ўқиш, эринмай илм тўплаш лозим бўлади. Мана бу мисолга бир эътибор беринг-а. "Мен болалик чоғимданоқ, — деб ёзганди Беруний, — ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Биз яшайдиган қишлоққа бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатардим, бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим..."

Ҳа, Беруний болалигиданоқ билимга, китобга бутун вужуди билан меҳр қўйган. Чидам ва матонат билан юнон тилини ўрганиб олган. Ҳатто ўрганиш жуда мураккаб бўлган ҳинд ёзувини ҳам мукаммал ўзлаштириб, ўзининг машҳур "Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ёки сиғмайдиган таълимотларининг ҳақиқатини аниқлаш" ёки кўпчиликка "Ҳиндистон" номи билан маълум бўлган китобини яратган. Шундай улкан истеъдод эгаси ўзидан 152 та буюк асар ёзиб қолдирган. Унинг серқирра фаолиятига ҳаққоний баҳо берган америкалик фалакиёт тарихчиси Сартон XI асрга "Беруний асри" деб таъриф берган.

...1992 йил мамлакатимиз делегацияси таркибида Малайзия, Жанубий Корея ва Индонезия сафарида бўлдик. Куала-Лумпур шаҳри кўчаларини айланаётиб, китоб дўконига кўзим тушиб қолди. Четлаб ўтолмадим. Тилига тушунмасам-да, бу мамлакатда китоблар қандай нашр этилар экан, деган савол қуршовида дўконга бош суқдим. Шунда нигоҳим «Имом Бухорий» сўзлари ёзилган китобга тушди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Ҳаяжонланиб, сотувчи қизга "Мен Бухоро томонданман", дея ишора қилдим. Очиғи, у пайтларда юртимиздаги оддий одамлар Имом Бухорий ҳақида кам билишар, зиёлилар орасида Индонезия Президенти Сукарнонинг бу улуғ зот қабрини зиёрат қилиб кетгани ҳақидаги узун-юлуқ гаплар юрарди.

Дўконда Имом Бухорийнинг уч жилдлик "Ҳадислар" китоби қаторлашиб турарди. Бизда эса у пайтларда бу китоб бирор марта ҳам нашр қилинмаган эди. Уларни қўлимга олиб, бағримга босдим, муқовасига беихтиёр лабларимни теккиздим. Дўкондагилар нима бўлаётганини билолмай ҳайратда эдилар.

Дарҳақиқат, Мустақиллик бизга миллий маънавият олами эшикларини ланг очиб берди. Қадриятларимизни, машҳур алломаларимизни танидик. Аждодларимизнинг дунё кезган қадимий қўлёзмаларидан баҳраманд бўлдик.

Истиқлолга эришилгач, тенги йўқ китоблар нашр қилинди, ҳозир ҳам чоп этилмоқда. Шу ўринда бир мулоҳазага батафсил тўхталмасликнинг иложи йўқ. Нашр қилинаётган янги китоблар улардан маънавий озиқланмоқчи бўлганларга, ўқитувчиларга, қишлоқ зиёлиларига тўлиқ етиб бормаётгани мендай китобот иши билан машғул одамни ташвишга солади. Не-не машаққатлар билан чоп этилган китоблар йиллаб нашриёт омборларида қолиб кетмоқда. Негаки, ҳукуматимизнинг 2002 йил 3 августдаги "Республикамизда китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган "Ўзкитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ўз вазифасини тўла бажара олмаяпти. Жойларга муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик янги китобларни, бадиий адабиётларни етказиб беролмаяпти.

Айримлар «Ҳозир китоб ўқиш урфдан чиқди. Ёшлар компьютерга ўрганиб қолди», дейишади. Бу гапда жон бор. Аммо чинакам илм истаганлар орасида китобга ихлос йўқолиб кетишига ишонмайман. Ўзимдан, танишларим, дўстларимдан қиёс. Китобни қадрлайдиган, уни жон-дилидан севадиган инсонларнинг кўпчилиги нафақат пойтахтда балки, бошқа жойларда ҳам яшайди. Тўғри, Тошкент мамлакатимизнинг зиёлилари, шоиру адиблари, талаба-ўқувчилари энг кўп тўпланган маскан. Шу сабабли китобларга эҳтиёж катта. Лекин шаҳримизда ҳам "Шарқ зиёкори"ни ҳисобга олмаганда, замон талабларига жавоб берадиган мукаммал китоб дўконлари мавжуд эмас.

Вилоятлардаги маҳаллий раҳбарлар орасида ҳам китобга ихлосмандларни, ижодкорларни, истеъдодли инсонларни қўллаб-қувватлайдиганлар анчагина. Аммо кўпгина туманларда раҳбарлар эътиборсизлиги туфайли китоб дўконлари хусусийлаштирилиб, савдо шохобчаларига айлантириб юборилган. Ҳайронман, улар халқ маънавиятини, келажак авлод тараққиётини китобсиз қандай тасаввур қилишлари мумкин?!.

Мен китобни тенги йўқ мўъжизалар хазинаси, дегим келади. Улар инсон онгида мўъжизалар яратишга қодир, дунёни ўзгартириб юборувчи оламшумул янгиликларга бош-қош бўлади. Ҳатто энг мукаммал техника воситалари — компьютерлар ҳам ана шу китоблар орқали дунёга келган. Аммо ҳеч нима ҳеч қачон унинг ўрнини тўла босолмайди.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

ИБРАТЛИ ТАРБИЯ — МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Бугун оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга моликлиги ҳеч кимга сир эмас. Зотан, оила чиндан ҳам жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг бахтиёрлиги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлиги шартидир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир... Шу фикрнинг ўзиёқ оиланининг қадр-қиммати нақадар юксалигидан далолат беради.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан буён ҳар йили 15 май кунини «Халқаро Оила куни» сифатида нишонлашга қарор қилгани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, ҳар йили белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила, унинг мустаҳкамлиги масаласи умуминсоний вазифа сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Оилани асраб-авайлаш уни ҳар томонлама таъминлаш масъулияти ўзбек менталитетига хосдир. Мазкур йилда барча давлат ва жамоат ташкилотлари олдига қўйиладиган энг катта вазифалардан бири ҳам шубҳасиз, бу жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий бўғини бўлган оилани ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларда оила туйғусини шакллантириш, оилага ғамхўрлик ҳиссини уйғотиш, шунингдек, оила қонунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат. Бунинг учун албатта фуқаролар, ёшлар, кенг жамоатчилик ўртасида оила муқаддаслиги, унинг аҳамияти тўғрисида ҳуқуқий маънавий тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим бўлади.

Бу борадаги ишларни амалга оширишда мамлакатимизда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўйилиши кўзда тутилган. Хусусан, оила қонунчилигини такомиллаштириш, оиланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёшларни оилага тайёрлаш, оилапарвар этиб тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган давлат дастурлари ушбу сиёсатни амалга ошириш шаклларини ташкил этади.

Жорий йилда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида мустаҳкам оила туйғусини шакллантириш, оила тўғрисидаги ҳуқуқий ва маънавий билимларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий, маърифий тарғибот ишларини олиб бориш учун кўплаб вазифаларни амалга оширишимиз лозим. Жумладан, оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш ҳамда оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш зарур. Шунингдек, оила қонунчилигини такомиллаштириш, хусусан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодексини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлашга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилиб қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар орқали қонунчилик палатасига тақдим этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларнинг оила ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш бўйича идоралараро ҳамкорликда тасдиқланган режа асосида жойларда ўқув машғулотлари ва семинар тренингларни мунтазам ташкил этиш ҳам албатта, ижобий самара беради. Қолаверса, оилаларнинг ижтимоий-маънавий муҳитига таҳдид солаётган, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида учраётган миссионерлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бир қаторда жамоат бирлашмалари, турли диний ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги таъминланса, айни муддао бўлади.

Оила — муқаддас қўрғон. Қўрғон бутун экан, кўнгил хотиржам бўлади. Халқимиз оилани асрашни муқаддас вазифалардан бири, дея билади. Бу анъана неча асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Кузатган бўлсангиз, эндигина тетапоя бўлаётган ўғил-қизлар ҳам оила аъзоларини дарҳол ажратиб олиб, уларга тақлид қила бошлайди. Оила нақадар муқаддас экани онгига болалигиданоқ муҳрланиб боради.

Энг муҳими, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллаб келган. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўли, ўгитлари, йиллар силсиласида тобланган тажрибаси ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашларида йўлбошчи бўлмоқда.

Шавкат НОРҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят Адлия бошқармаси тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўйича етакчи маслаҳатчиси

Ўйлаб кўринг

Дардга чалинмай десангиз...

Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар кўп. Улардан бири саломатликдир. Чиндан ҳам оилада соғлом турмуш тарзи йўлга қўйилса, юзага келиши мумкин бўлган қатор муаммоларнинг олди олинади. Хусусан, турмуш бузилиши каби ҳолатлар ўз-ўзидан камаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, эр ва хотиннинг ажрашиш борасида бир тўхтамга келишига кўпинча оилада фарзанд туғилмаслиги сабаб қилиб кўрсатилади. Тирноққа зор бўлаётган жуфтларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи эса турли юқумли касаллик оқибатлари туфайли ота-оналик бахтидан бенасиб қолаётганидан ё бехабар, ё мамлакатимизда саломатликни яхшилаш борасида яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдалана олмаётганликларидандир.

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида ОИТС, сўзак, заҳм каби юқумли касалликлар билан бир қаторда сийдик таносил тизимининг хламидия касаллиги ҳам ортиб бораётгани ташвишланарлидир. Ушбу хасталик жуда хавфли бўлиб, унга чалинган киши аксарият ҳолларда бепушт бўлиб қолиши ёки ҳомила ички инфекцияга йўлиқиши мумкин. Энг асосийси, она ва бола саломатлигини сақлаш муаммоси келиб чиқади.

Касаллик инфекцияси бир одамдан иккинчисига асосан жинсий алоқа орқали юқади. Инфекция манбаи эса бемор одамнинг таносил аъзолари шиллиқ қисми ва ажралмалари ҳисобланади. Энг ачинарлиси, ҳимоясиз жинсий алоқа жараёнида юққан касаллик кўп ҳолларда бемор организмида унинг белгисиз кечиши, яллиғланиш жараёнининг сезилмаслиги шифокорларга мурожаатларни кескин камайтиради. Бунинг оқибатида вақтида даволанмаган хасталик доимий касаллик манбаини вужудга келтиради.

Кейинги пайтда тиббиётда хламидия инфекциясининг акушерлик патологиясидаги ўрнига алоҳида эътибор бериляпти. Бунинг самараси ўлароқ тўпланган маълумотлар ҳомиланинг бачадон ичидаги ривожланиши, қолаверса, чақалоқ ва ёш болалар патологияси хламидия билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Бунга мисол тариқасида агар ҳомиладор аёл хламидия инфекцияси билан зарарланса, унинг асорати сифатида кўп ҳолларда бола вақтдан эрта (чала) туғилишини келтириш мумкин. Шунингдек, баъзан инфекция туғуруқ йўллари орқали юққан бўлса-да, зарарланиш бачадонда содир бўлади. Натижада ҳомиладорликнинг илк даврида ҳомиланинг нобуд бўлиш эҳтимоли кучаяди.

Эркакларда урогенитал хламидиоз хасталиги ўзига хос аломатлар билан кечади. Касалликка чалинган аёлдан тўғридан-тўғри юққан инфекция, аввало, ўзининг 20-30 кунлик яширин даврини бошлайди. Бу вақт оралиғида инфекция организм муҳитига мослашади ва кўпаяди. Организмнинг иммунологик ҳолатига қараб касаллик аломатлари бошланиши ёки аксинча, ҳеч қандай белгиларсиз, яширин ҳолда ҳам кечиши мумкин. Агар у белгиларини намоён эта бошласа, инфекциянинг яширин давридан сўнг эркакларда уретрит (сийдик чиқариш йўлининг яллиғланиши) намоён бўлади. Кейинчалик шилимшиқли ажралма келиши қўшилади ва тез-тез пешобга қатнаш юзага келади. Бу пайтда спиртли ичимликлар ичиш, аччиқ таомларни тановвул қилиш касалликнинг янада фаоллашувига сабаб бўлади.

Хламидия нафақат репродуктив саломатликка, балки бутун организмга тарқалиши билан ҳам хавфлидир. Жумладан, бўғимлар шикастланиши, кўришнинг кескин пасайиши (Рейтер синдроми) каби оғир ҳолатларга олиб келади. Шунингдек, олимларнинг илмий тадқиқот натижалари асосида хламидиянинг бронхиал астма (нафас сиқиши) касаллигида, қон томирлари деворига холестерин (атеросклероз) ҳосил бўлишида асосий омил бўлиши исботланди.

Юқоридаги фикрлар ва маълумотга асосланиб таъкидлаш мумкинки, инсон саломатлиги, оиладаги соғлом муҳит ҳар бир шахснинг ўз қўлида. Биргина эҳтиётсизлик туфайли қилинган кичик хато ва бепарволик нафақат бир инсоннинг ўзига, балки унинг оила аъзолари ҳаловатининг йўқолишига ҳам сабаб бўлади.

Шундай экан, касалликлардан сақланишнинг индивидуал воситаларини билиш ва тиббий маданиятни янада ошириб бориш, тез-тез тиббиёт муассасаларига бориб саломатлигини назоратдан ўтказиб туриш ҳар бир инсоннинг бурчига айланиши, мутахассис шифокорлар билан узвийликни таъминлаш энг яхши одат бўлиши керак.

Асқарали МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бўлими мудири

Мулоҳаза

Сериаллар ортидаги иллат

Бир пайтлар буюк ҳинд адиби Робиндранат Тагор «Минбаъд бу заминга Мопассан қадам қўймасин», деб худога илтижо қилган экан. Бу ерда «Ҳиндистон виждони» буюк француз адибига эҳтиром сақлаган ҳолда унинг зинокорлик завқ-шавқ билан тасвирланган асарларини назарда тутгани сир эмас. Чунки инсоний фазилатларни емирувчи бундай иллатлар ҳар қандай жамиятни таназзулга етаклайди.

Бугунги глобаллашаётган дунёда санъат воситаларидан бошқа халқлар онгини заҳарлаш, ўзининг одат ва майлларини, мафкурасини сингдиришга интиладиганлар тобора кўпайиб бормоқда. Оммага тез таъсир этадиган санъат турларидан бири бу, шубҳасиз, сериаллардир. У ўзининг қамрови, таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда юртимиз телеканалларида Мексика, Колумбия, Венесуэла, Корея, Туркия, Хитой каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг сериаллари намойиш этиб келиняпти. Уларнинг ҳар бири ўзгача шакл-шамойил, ўзгача руҳий-маънавий хусусиятларга эга. Аммо барчасини ҳам ибратли ёки ижобий дейиш қийин. Масалан, бундан анча йиллар аввал, тахминан 2000 йилларнинг нари-берисида илк бор намойиш этилган, ҳозирда «томошабинлар талабига биноан» такроран эфирга узатилаётган Венесуэла кино ижодкорларининг маҳсулоти бўлмиш «Морена Клара» сериалини кўра туриб, кўнглимда қуйидаги мулоҳазалар туғилди:

...Андаро ва Прадолар оиласи орасидаги келишмовчиликлар асосига қурилган бу фильм маиший бузуқ одамлар ҳақида, десам янглишмаган бўламан. Назаримда, бугун ён-атрофимизда учраётган баъзи ноахлоқий воқеалар, айрим ножўя ҳолатларнинг илдизини ҳам айнан шу сериалдан топиш мумкиндек. Фильм азбаройи қизиқ чиқиши учун воқеалар ривожи шу қадар чалкаштириб юборилганки, ким кимнинг хотини, ким кимнинг эри, ким кимдан бола орттирган ... адашиб кетасан, киши.

Бош қаҳрамонлардан бири — Монцарат. У аввал сиёсатчи Эмилиано Андарога турмушга чиқади. Кейин Лисандро Прадога. Иккаласидан ҳам болалари бор. Сериалда қўй оғзидан чўп олмаган инсон сифатида гавдаланадиган Эмилиано Андора ҳам фариштa эмас. У Монцаратгача Розалинда Гусман билан «юриб», бола орттирган. Эмилианонинг иккинчи хотини Эухениянинг ҳам «сир»и бор. Унинг ҳам бировдан боласи бор. Яна кимдан денг — Людовико Прадодан. Бош қаҳрамон Эмилианонинг жияни Валентин Лисандро Прадонинг қизи билан «юриб қўйиб», унга уйланади. Аммо амакисининг қизи Кларани севишда давом этаверади. Валентиннинг дўсти Кристиан ҳам жуда «шўх» йигитлардан. Дўстининг ортидан югуриб, оғзи куйган жоннларнинг дардман дилига «малҳам» бўлишга астойдил киришади. Ҳатто Валентин йўқлигида унинг хотини билан кайфу сафони авжига чиқаради. Клара эса болаликдаги дўсти ва қонуний эри Андинони ахмоқ қилиш, алдаш билан овора.

Лисандро Прадонинг ўғлига айтаётган гапига эътибор қилинг: «Онанг бошқа эркакларга кўзини сузмасин, яхшилаб тушунтириб қўй». Шу гапнинг устига ширакайф онанинг ўзи қийшанглаб келиб қолади ва эрига жавобни ўзи беради: «Сенга мумкин-у, менга мумкинмасми?» Энг даҳшатлиси, у буни кейинроқ амалда исботлайди.

Ўзини сиёсат оламининг режиссёри деб биладиган Лисандро Прадо исловатхона очиб олади. Ҳатто тўшакдаги «ўйинқароқлигини» видео камерага тушириб, ўртоқларига кўрсатади. Исловатхонанинг «маликаси» ҳам бегона эмас. Тунлари ўзига Эскарлата деб ном қўйиб оладиган Кларанинг онаси Розалинда Гусман...

Энди холисанилло баҳо беринг. Бундай фильмнинг бизга қандай тарбиявий аҳамияти бор ва у ёнимизда экранга кўз тикиб ўтирган мурғак қалб эгалари — фарзандларимизга қандай маънавий озуқа бера олади? Уларга нимани ўргатади? Назаримда, ютуқдан мағлубиятимиз кўпроқ. Бу хулоса — ҳукмимиз мантиқан ва зоҳиран ўз асосига эга.

Сериал қаҳрамонларининг кийимкечаклари ҳам модага айланмоқда. Ҳатто озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ҳам сериаллар орқали яширин реклама қилинмоқда. Имиж, соч турмаклари, кийиниш маданияти, татиуровкалар — буларни теварак-атрофга боқиб, ўзингиз муқояса қилиб кўришингиз мумкин. «Сочларингни сариққа бўяб нима қиласан?» деган қўшиқни кўп бор эшитгансиз. Балки, бу фикрларим майдакашликдай туюлар. Хотин-қизларнинг сочини сариққа бўяб юришига аллақачон кўникдик. Нима, ўзлигимиз, қора қош, қора кўзлигимиздан уяламизми? Деярли ҳар сериалнинг ҳар бир қисмида кўзга ташланадиган ўпишиш, қучоқлашиш, жангарилик саҳналарининг ёшлар тарбиясидаги тузатиб бўлмас зиёнини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Дарвоқе, яқинда чет эл оммавий ахборот воситаларида 2012 йилнинг 1 майидан бошлаб Азербайжан Республикаси телеканалларида ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш мақсадида хорижий телесериалларни намойиш этиш бутунлай тўхтатилиши ҳақидаги маълумотга кўзим тушди. Мамлакатимизда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратиш вақти етди, назаримда. Негаки, бугун телеканалларимизда намойиш қилинаётган аксарият сериалларнинг савияси ва уларда илгари сурилган ғоялар «Морена Клара»дан баттар бўлса борки, пеш эмас. Масалан, «Муҳаббат қаҳваси» сериали орқали бир жинс вакилларининг, яъни икки эркакнинг «рисоладагидек» оила қуришлари ва яшашлари кўрсатиб берилди.

— Сериал кўрсам, негадир асабим бузилаверади, — дейди уй бекаси Муҳаббат Эркаева. — Кўрмайман дейману, воқеалар ривожи кейин қандай кўриниш олганини билишга бўлган қизиқишим устун келади. Табиийки, бу пайтда болаларим ҳам ёнимда бўлади.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, юртимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тўғри, Истиқлол йилларида «Чархпалак», «Занжир», «Кўнгил кўчалари», «Домла», «Опа-сингиллар», «Ўзи уйланмаган совчи», «Яхши одамлар», «Шайтанат», «Сержантлар», «Сардор» каби кўплаб сериаллар яратилди. Катта ҳажмдаги ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, янги кинотехнология билан жиҳозланган "Медиамарказ"нинг ишга туширилиши имкониятлар кўламини янада орттирди. Лекин ҳанузгача қамрови кенг сериалларга қўл урилмаётганини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Шунингдек, аксарият сериалларнинг охирига етмасдан тугаб қолаётгани, зўрма-зўракилик, эфир вақтини чўзиш каби ҳолатларга барҳам берилса, хориж сериаллари ҳамда унда илгари сурилган ғоялар чуқур таҳлил этилганидан кейин намойиш этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зотан, маънавиятга, миллий тафаккурга дахлдор масалалар ҳеч қачон турли важ-карсонлар тарозисида ўлчанмайди.



Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Танлов

"Балли, ҳуқуқшунослар!"

Фуқаролик жамиятини шаклланишида ҳуқуқ тизими алоҳида ўрин тутади. Шу боис давлатимиз томонидан халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун кўлгина ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратилиб, улар ўртасида кўплаб ҳуқуқий билимлар синовлари ташкил этиб келинмоқда. Ана шулардан бири "Балли ҳуқуқшунослар" беллашувидир.

Яқинда мазкур танлов Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди. Танловда республикамиздаги ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослаштирилган олий таълим жамоалари ўзаро куч синашишди.

Беллашув жараёнида иштирокчиларнинг Президентимиз асарлари ҳамда маърузалари, фармон ва қарорлари, Бош қомусимиз, давлат дастурлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини идрок этишга асосий эътибор қаратилди. Мусобақа қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Айниқса, иштирокчиларнинг бадиий чиқишлари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Тадбир якунига кўра Тошкент давлат юридик институтининг "Адолат" жамоаси бош совринга лойиқ деб топилди. Биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий университетининг "Сарбон" жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Атлант", учинчи ўринга эса Наманган давлат университетининг "Водий гавҳари" жамоаси сазовор бўлди

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Жиддия

«Ўз дарвозасига гол уриш»

Танасига бундоқ ўйлаб қараса, унинг нашриётда ишлаётганига уч йилдан ошибди. Эҳ-ҳе, шу вақт оралиғида озмунча шоирнинг китоби чиқдими? Ахир бу ерга уни ишга даъват қилган одамнинг «Булоқнинг бошида бўласан, бирини «ака», бирини «ука» деб, кўнглини олсанг, марра сеники! Китобларинг ёмғирдан кейинги қўзиқориндек болалаб кетади» деган сўзлари хаёлида айланаверади.

Набининг хаёлини нашриёт йўлагида кўк муқовали жажжигина китобни варақлаган кўйи хурсанд бўлиб келаётган Нозимнинг ўктам овози бўлди: «Наби!.. Оғайни, нега кўринмайсан? Мени табрикла, жўра! Ниҳоят биринчи китобим қўлга тегди! Шошма-шошма, нега сенинг китобингдан дарак йўқ? Куни кеча қайсидир газетада янги шеърларингга кўзим тушганди. Ахир шу ерда умид билан ишлагач, меҳнатнинг натижаси ҳам бўлиши керак-ку». Нозимнинг гаплари ўлганнинг устига тепган бўлди. Набининг хуноби ошди. Буни сезган Нозим дўстига қараб гап қотди: «Китоб чиқаришнинг зўр йўли бор, айтайми? Сири шуки — дўппидеккина ош дамлаб, бир зиёфат ташкил қил! Қолганини ўзимга қўйиб бер».

Набининг куйган юрагига Нозимнинг сўзлари гўё малҳам бўлди. Улар бамаслаҳат зиёфат тадоригига киришишди. Ниҳоят, шанбада нашриёт ходимларидан етти нафари дастурхон атрофига йиғилишди. Ҳар ишга ҳозиру нозир Нозим қора қўчқор думбасининг жиззасини дастурхонга қўяр экан ўтирган меҳмонларга бир-бир қараб қўйди-да сўз бошлади: «Бугунги ўтиришимизнинг сабабчиси — Набижон! Унинг сафимизга қўшилганига ҳам бир неча йил бўлибди-я. Бугунги кунда бирор иқтидоринг бўлмаса мол бозорда даллоллик қилиш ҳам мушкул масала. Дўстимизнинг шеърлар ёзиб туриш одати бор. «Кимлар»нинг китоблари чиқмаяпти, ахир. Камтарин дўстимизнинг илк китобини чоп этиш масаласини чойхона паловини еганимиздан кейин гаплашиб олсак, нима дейсизлар? Ана шу ниятларимизнинг рўёбга чиқиши учун бир пиёладан обизамзам кўтаришингизни сўрайман».

«Жуда яхши гап бўлди» — деди меҳмонлардан бири. Нозимнинг сўзларини «михлаш» учун яна қаторасига қадаҳлар кўтарилди. Кайфиятлари аъло бўлгач, бирин-кетин Набини яхши сўзлар билан алқашга тушишди. Қозондаги ошнинг зирваги ҳам биқиллаб қайнар, тўпланган улфатлар эса бир-бирларига гап бермай бидиллашарди.

«Соҳага кириб келишим тасодифий бўлган, — дея сўз бошларкан Наби пешонасидаги терларни артиб қўйди. — Мактабда ўқиб юрганимда адабиёт ўқитувчимиз мени мақтаб «Сен келажакда шоир бўлишинг мумкин», деганди. Шундан кейин деворий газеталарда машқларим босилди. Техникумда ўқиган кезларимда адабий кечаларни олиб бордим. Бу ердаги домлалар ҳам «Сиздан шоирликнинг ҳиди келаяпти» деган мақтовларни айтишди. Кейин тақдир гир айланиб, радиотармоғига ишга кириб қолдим... Кунларнинг бирида мени бўлим бошлиғимиз чақириб «Янгийўлдаги хўжалик режасини бажарибди. Тезда репортерни олиб материал тайёрланг», деб қолди. Йўлакка чиқиб алангласам бошлиқ айтган «репортер» йўқ. Яна уни безовта қилишга ийманиб, йўлакда мажлис тугашини 2 соат кутдим. Ниҳоят мажлис тугади. Бошлиқнинг фиғони фалакка чиқди: «Шу пайтгача нега жўнамадингиз, шунчалар беғаммисиз?» Мен бошлиққа қараб: «Койиманг, хўжайин, сиз айтган «репортер»ни тополмадим. У киши бошқа топшириқ билан кетган бўлсалар керак», деб юборибман. Ахир ўшанда «репортер»нинг одам эмаслигини қаёқдан билай?.. Аслида, у интервью ёзиб оладиган қурилма экан. Шундан кейин бўшашдан бошқа иложим қолмади».

Наби ҳаммани ўзига қаратиб сўзини тугатар-тугатмас Нозим луқма ташлади: «Набижон, шапка воқеасини ҳам гапиринг!..»

«Ҳа, дарвоқе, бу ҳам қизиқ бўлган эди, — деб нималарнидир эслаган бўлди-да, яна сўзида давом этди. — Таҳририятга энди ишга келган кезларим. Бўлимда жой йўқлиги учун мени вақтинчалик корректура бўлимига олишган. Вақт анча кеч бўлиб қолган. Бир ўзим хаёл суриб ўтиргандим. Бирдан ички телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам, муҳаррир ўринбосари «Тезда саҳифани шапкаси билан олиб киринг», деб қолди. Бошим қотиб ўзимча ўйладим, «Газетанинг ҳам шапкаси бўладими?» Савдода бирор ноёброқ буюм олсангиз унинг устидаги шапкасини бермасангиз бўлмасди. Лекин газетада...

Бу ёқда вақт ўтмоқда. Ўша кезларда кун совуқ, ўтириб ишлайдиган хоналар муздек. Ёки ўринбосар совқотиб «Газета билан шапкамни олиб киринг» дедими? Нима қилишимни билмай тургандим, яна телефон жиринглади. Аввалги сўзлар қайтарилди. Ўрнимдан турдим-да, ўқилган тўрттала саҳифани олиб, унинг ҳузурига ошиқдим. Қабулхонадаги гардеробни очиб қарасам, ондатрадан тикилган иккита телпак турибди. Таваккал қилиб, бир қўлимда саҳифаларни, иккинчи қўлимда телпакни кўтариб, эшикни оҳистагина очиб, ичкарига кирдим. Ўринбосар кўзойнаги остидан менга ўқрайиб қаради-да, заҳархандалик билан деди: «Э, қойилсан, фаросатингга. Шапка десам, телпагимни олиб кирдингми? Саводинг ҳам роса ғовлаган кўринади». У телефон рақамини териб «Кириб кетинг» деб кимнидир буйруқ оҳангида ҳузурига чорлади. Билсам масъул котибга қўнғироқ қилибди. У кириб келганида нима қилишимни билмасдан довдираганча турардим. «Кимни ишлатяпсиз, ўртоқ котиб? Ишга олган манави болангиз шапка нималигини билмаса. Бу қанақаси ахир?!.» — дея масъул котибни қаттиқ койиган бўлди ўринбосар.

Кейин билсам «шапка» дегани газетанинг саҳифаси тепасига йирик ҳарфлар билан ёзиладиган шиор экан. Хуллас, таҳририятда ҳам иш ўнгидан келмади. Ҳафласам пир бўлиб, ишдан кетдим...

Ходимлар Набининг бошидан ўтказган савдоларини эшитишиб, унинг ҳолига ҳам ачинишар, ҳам кулишарди.

Ош еб бўлинди. Меҳмонлар сархуш ҳолда кўк чой ичишар, баъзилари «Турамизми энди?» дейишни бошлаганда Нозим муддаони яна эслатди.

«Набижоннинг китобини, албатта, чиқарамиз» — деди бўлимда катта ходим бўлиб ишлайдиган Сарвар Ғаниев. Бу фикрни ўтирганлар ҳам маъқуллашди. Гапни яна Нозим илиб кетди: «Энди дўстлар, китоб ҳам чиқар. Лекин яна бир нозик масала бор. Набижон «Китоб чиқарсам бошқа шоирларга ўхшаб тахаллусим бўлиши керак-ку», деяпти. Шу масалани ҳам...»

«Мен Набижоннинг бир қанча шеърлари билан танишдим. Унда шу бугунгидек ўтиришларни ифодалайдиган, улфатчиликнинг яхши тарафларини мақтайдиган жиҳатлар бор. Масалан, унга «Улфатий» деган тахаллус берсак бўлмайдими?» — деб қолди адабий котиб Соқи Йўлчиев.

«Фикрингизга қўшиламан, Соқивой, — дея маъқуллади унинг гапини Исмат Ҳикматов. — Лекин Набижоннинг шеърларида табиат манзаралари чизилган ҳолатлар ҳам учрайди. Шунинг учун уни «Қуёший» десак қандоқ бўларкин?»

Хуллас, кўп ейилган ош ва меъёридан ортиқ ичилган ичимликдан ҳансираган улфатлар тағин яна бир қанча тахаллус таклиф қилишди. Шу пайтга қадар ўзидан ёши каттароқ нашриёт ходимлари олдида одоб сақлаб ўтирган шоири жаҳон — Набижон ниҳоят тилга кирди: «Шунчалик эътибор, илтифот, ғамхўрлик кўрсатганингиз, бугунги камтарона дастурхонимизга меҳмон бўлиб келганингиз учун сизларга раҳмат. Бошқа зиёфатларга қарздормиз. Каминага тахаллус масаласида айтган қимматли фикрлар мени тўлқинлантирди. Ёзган шеърларим сизларга манзур бўлибди. Демак, у китобхонларга ҳам маъқул келар. Гапнинг индаллоси, камина онадан бир нуқсон билан туғилган. Буни ҳаммангиз биласиз. Ахир оқсоқлик пешонага ёзилган экан-да». Меҳмонлар Набининг сўзларидан таъсирланиб, қайсидир маънода ҳушёр тортиб бир-бирларига қарар, баъзиларининг кўнгилларидан «Бу одамни ранжитиб қўйган бўлмайлик-да, ишқилиб», деган фикрлар ўтарди. «Агар рози бўлсангизлар, — давом этди Набижон, — илк китобимга «Мажруҳий» деган тахаллус қўйсак?» Даврадагилар яна бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Бугунги ўтиришга бош-қош бўлган Нозим Набига ҳазил аралаш деди: «Қандоқ бўларкин?»

«Қандоқ эмас, қанддек бўлади! — деди Наби Мажруҳий. — Қолаверса, бу «Ўз дарвозасига гол уриш» бўлади».

Чойхонада бўлиб ўтган ҳангомани эртасигаёқ хусусий нашриётнинг бошқа ходимлари ҳам эшитиб таажжубдан ёқа ушлашди. Тушдан сўнг ҳарф терувчи Дилдорахоннинг компьютери олдида эса «Набижон Мажруҳий» имзоли кўлёзма пайдо бўлди.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Коинот, инсон ва ҳаёт

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН «САДО»

Ерда ва ташқи цивилизацияларда ҳаётнинг мустақил пайдо бўлганлиги тўғрисидаги илмий гипотеза бугунги кунда олимлар томонидан ҳақиқатга яқин назария деб тан олинади. Дарвоқе, бундай шов-шувлар, айниқса, кейинги йилларда тез-тез кузатилиб, улар асосан Ернинг йўлдоши Ойга, Марс ва Венерага, баъзан Юпитернинг йўлдошларига тегишли хабарлардир.

Ердан Ой 384 минг 400 километр масофада айланади. Ҳавоси йўқ. Унинг бир кеча-кундузи 29,5 кунни ташкил этади. Ой сиртида ҳарорат +120 даражага, тунда эса – 150 даражагача пасаяди. Ойда ҳаётнинг бор-йўқлиги асосан ўтган асрнинг 60-70 йилларида АҚШнинг «Аполлон» космосни тадқиқ қилиш дастури ёрдамида ўрганилди. Ернинг табиий йўлдоши тупроғидан олиб келинган намуналар биологик экспериментлар ёрдамида кўрикдан ўтказилганида, унда ҳаёт изи — микроорганизмлар топилмади.

Қуёш атрофида айланувчи Марс сайёраси эса кўп жиҳатлари билан Ерга ўхшаб кетади. Унинг бир кеча-кундузи 24 соату 39 дақиқага, бир йили эса 687 кунга тенг. Марс атмосферасининг 95 фоизини карбонат ангидрид, 2,5 фоизини азот, 2 фоизини аргон ташкил этади. Йиллик ўртача ҳарорат — 60 даража.

1975 йили Марсга АҚШнинг «Викинг-1» ва «Викинг-2» космик аппаратлари учирилди. Орадан бир йил ўтиб, сайёра сиртига қўндирилган бу аппаратлар Марсда микроорганизмларни *(йирикроқ жониворларнинг йўқлиги аниқ)* топиш бўйича бир нечта биологик эксперимент ўтказди. Аммо эксперименталар натижалари Марсда ҳаёт борми, деган саволга аниқ жавоб бера олмади. Гап шундаки, экспериментлар натижаларини (ассимляция ва газ алмашинувига таянган) тупроқдаги микроорганизмларнинг «иши» ёхуд унинг кимёвий хоссаси сифатида талқин қилиш мумкин эди. Бу ҳақда ўшанда тадқиқотларда иштирок этган олимлардан бири Б.Левин шундай деган эди: «Эксперимент жараёнида газнинг ажралиши, одатдаги кимёвий реакцияларда ажралишдан анча узоқ давом этгани ҳолда микроорганизмларда модда алмашинуви фаолияти туфайли ажралиши лозим бўлган вақтдан анча кам вақт давом этди. Бинобарин, биз Марсда ҳаёт масаласида хулоса чиқариш учун аросатда қолдик».

Марсни тадқиқ қилиш бўйича АҚШнинг навбатдаги экспедицияси асримизнинг 20-йилларига мўлжалланган. Бевосита инсон иштирокида ўтиши мўлжалланаётган ушбу экспедицияга олимлар катта умид боғлаган.

Венера ва Юпитер йўлдошларида ҳаётнинг бўлиши мумкинлиги *(бу ҳақда таниқли олимлар орасида тахминлар мавжуд)* ҳақиқатдан жуда йироқ. Бинобарин, ҳозирга қадар уларни тадқиқ этган космик аппаратлар томонидан бу фикрлар ўз тасдиғини топганича йўқ.

Фан Ердан ташқарида талай юлдузларнинг (галактикамиз ва ташқи галактикаларга тегишли) йўлдошлари — сайёраларда ҳам ақлли мавжудотлар бўлиши мумкинлигини инкор этмайди. Бу масала Халқаро астрономик иттифоқ (ХАИ) томонидан маъқулланди ва Иттифоқнинг 1982 йилда чақирилган Бош ассамблеяси томонидан «Ердан ташқаридаги ҳаётни излаш» деб аталувчи комиссия тузилди. 1982-1985 йилларда бу комиссияга инглиз радиоастрономи Майкл Папагианис раислик қилди. Айни бу пайтда ушбу комиссияга америкалик астрофизик Френис Дрейк раислик қилади, комиссия аъзоларининг сони эса 270 кишидан ортиқ.

1986 йилга қадар ташқи цивилизацияларни қидириш учун 120 минг соатдан ортиқ вақт сарфланди. Аресибо штатида жойлашган, диаметри 300 метрли сайёрамизнинг энг қувватли радиотелескопи ёрдамида Қуёш типидаги 210 та юлдуз 4 миллион герц частотали спектрал чизиқларида кузатилди. Россиялик олимлар, Шимолий Кавказга ўрнатилган олти метрли оптик телескоп ҳамда жуда қисқа импульсли оптик лазер сигналларини қайд қилувчи Мания электрон қурилмаси ёрдамида ўнлаб объектларни кузатишга муваффақ бўлдилар. Австралиянинг диаметри 64 метр келадиган радиотелескопи орқали астрономлар П.Коул ва Р.Экрес бир неча йиллар давомида қисқа импульсли сунъий радиосигналларни қайд қилиш учун ҳаракат қилишди. Ана шу эксперимент пайтида Эридан юлдуз туркумининг 82-юлдузи зонасидан атиги бир миллисония (сониянинг мингдан бир улуши)ли сигнал қайд қилинди. Астрономлар сигналнинг табиийлигига шубҳа қилиб, унга яна бир неча бор «тузоқ» қўйдилар. Бироқ барча уринишлар бесамар кетди.

Ташқи цивилизацияларни қидиришни ўз «касби»га айлантирган обсерваториялар ҳозирча дунёда иккита бўлиб, улар ташқи «қариндош»ларимизни излаш бўйича ишларнинг 80 фоизини ўз зиммаларига олишган. Булардан бири — 1973 йилда Огойо (АҚШ) штатига ўрнатилган радиоастрономик обсерватория. Ушбу обсерватория асосий радиотелескопининг майдони 2200 квадрат метр келади. Дарвоқе, телескопда 1977 йилнинг 27 декабрида «Оҳо!» деб номланган сенсацион сигнал қабул қилинган. Бироқ, бу сигнал ҳам кўплаб уринишларга қарамай телескопда қайта «қораси»ни кўрсатмади. Шундай обсерваториялардан иккинчиси Бостон яқинида жойлашган Гарвард — Смитсониан обсерваториясидир. Мазкур обсерватория ходимлари 1983 йилдан буён «Сектенел» дастурига кўра «космик қардошларимиз»ни қидириш билан машғул.

Айни пайтда радиотелескоп қайд қилаётган сигналлар ичидан табиийсини (агар у бор бўлса!) ажратиб олиш учун 8 миллион каналли электрон қурилма устида иш олиб борилмоқда. Бундай асбоб ёрдамида ташқи цивилизацияларни «ушлаш»нинг эҳтимоли кескин ортади.

(Давоми бор.)

Маматмуса МАМАДАЗИМОВ,
профессор

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Таассурот

Юксак имкониятлар пиллапояси

Ёшлар ижодини бир-бирига солиштириб, иқтидорини баҳолаш анчайин мушкул. Чунки ҳар қайси ёшнинг қалби янги топилмаларни кашф этади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг кўплаб танлов ва лойиҳа дастурлари ижодда ҳам, ўқишда ҳам доимо етакчи бўлган ёшларни излаб топишга, уларни рағбатлантиришга қаратилган. "Келажак овози" танлови форумнинг ёшлар салоҳиятига қаратилган лойиҳаларидан бўлиб, мана етти йилдирки, оловқалб тенгдошларни ўз атрофига бирлаштирмоқда.

Анъанага мувофиқ танловнинг якуний босқичи ҳар йили декабрь ойида бўлиб ўтади. Ортда қолган 2011 йилнинг декабрь ойи ҳам кўплаб ёш иқтидорларни ҳаяжон ва ҳайрати билан сеҳрлади. Танлов аввалгиларидан кўтаринки кайфиятга бой, қувонч ва шодликларга тўла бўлди. Боиси, "Келажак овози" ЁТМ фаолиятининг беш йиллиги катта тантана билан нишонланди.

Мен ҳам Наманган вилояти вакили сифатида тенгдошларим қатори ёшлар байрамининг жонли гувоҳи бўлдим. Барча иқтидорли йигит-қизларнинг руҳий баркамоллигини, ўз ижодида янги бурилиш ясаганини, уларнинг юз-кўзидан билиб олиш қийин эмасди. Энг қувонарли воқеа вилоятимиз қатнашчиларидан Матлуба Улканбоева, Меҳриноз Аббосова, Гулноза Холдорова, Ориф Фирдавс, Анвар Жабборовларнинг ижоди ҳайъат аъзолари, соҳа мутахассислари томонидан илиқ кутиб олингани, жамоатчилик даврасида эътироф этилганининг ўзи вилоятимиз ёшларига берилган юксак баҳо бўлди.

— "Келажак овози-2011" республика ёшлари танловининг ғолибларидан бири деб эътироф этилганим қалбимга қуёшдек ёруғлик олиб кирди, — дейди Матлуба Улканбоева. — Олдимда кенг имкониятлар эшиги очилди ва мен янги, улкан мақсадларни ният қилдим. Тошкент сафаридан бутунлай янги руҳ, кўтаринки кайфият, ўзгача шижоат билан қайтдим. Юртимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрганлар ичидан фикрдош, ажойиб дўстлар орттирдим. Улар менинг чин маънодаги ғалабаларим! Улардан янги маълумотлар, илҳом ва завқ олдим.

Танлов илк бор 2005 йилда ташкил этилганда 3 минг нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, 2011 йилда 76 минг нафар ёшлар иштирок этиш хоҳишини билдиришган. Бу эса етти йил мобайнида қатнашиш истагида бўлганлар сонининг 25 карра кўпайганидан далолатдир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" томонидан ўтказиб келинаётган ёш истеъдодлар танловлари фақат ғолибларни аниқлаб, уларни мукофотлаш билан кифояланмайди, аксинча, ёшлар томонидан кўтарилган муаммоларни бартараф этиш, соҳага доир ишланган янги лойиҳаларни амалга татбиқ этиш, танлов давомида етук мутахассислар иштирокида мастер-класслар, ўқув-анжуманлар ўтказиш каби вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

— Мен 2010 йилдан буён марказ ҳаётида олиб борилаётган турли танлов ҳамда семинар-тренингларда қатнашиб келмоқдаман, — дейди марказ юлдузларидан бири Гулноза Бадалова. — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" лойиҳалари янги руҳдаги оқил, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга қаратилган. Буни ўзим эришган ютуқларим мисолида кўраман. Биргина ўтган йил якунида Тошкентда кўплаб тенгдошларим қатори мени ҳам "Иқтидорли талабалар стипендияси"га муносиб кўришгани ғайратимни янада ошириб юборди.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ,
Наманган вилояти

Спорт

ПОЛВОНЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Азербайжан Республикаси пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик курашчилар биттадан олтин ва бронза медалларни қўлга киритишди.

Мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Германия, Туркия, Грузия, Латвия, Литва, Қозоғистон ва Тожикистондан 150 нафарга яқин спортчи қатнашган мазкур нуфузли халқаро турнирда 58 килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Зокир Мансуров барча рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди. Вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида эса ҳамюртимиз Аббос Раҳмонов бронза медаль билан тақдирланди.

"АРДУС" – ЧЕМПИОН

Тошкентнинг "Ардус" жамоаси мини футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати якунланишига бир тур қолганида муддатидан олдин чемпионликка эришди. Жамоа ўн тўққиз учрашувда жами 55 очко тўплади.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур беллашувларида пойтахтлик футболчилар "Турон-С"ни (Андижон) 5:1, "Локомотив"ни (Тошкент) 2:1, "Максам-Чирчиқ"ни (Тошкент вилояти) 3:2 ва "Бунёдкор"ни (Тошкент) 5:2, "Қурувчи-Зарафшон"ни (Навоий)

5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу "Ардус" жамоасига ғолибликни тантана қилиш учун етарли бўлди.

Шунингдек, мазкур турда чемпионни кетма-кет таъқиб этиб келаётган "Максам — Чирчиқ" "Қурувчи — Зарафшон" ва "Турон-С" жамоаларини бир хил — 5:2, шунингдек, "Локомотив"ни 2:1, "Бунёдкор"ни 4:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Чемпион номи маълум бўлса-да, қолган совринли ўринлар учун кураш давом этмоқда. Чунки Тошкентнинг икки жамоаси — "Локомотив" ва "Бунёдкор"га кумуш медалга эга бўлиш имконияти мавжуд. Бу жамоалар ўтказилган ўн тўққиз учрашувда 32 очкодан жамғарган.

Мини футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионатининг сўнгги тур ўйинлари жорий йилнинг март ойида ўтказилади.

Азим БАҲОДИР

Яхши мақол – ақл қайроғи

- Айиқ ўз товонини ялаб жон сақлайди
- Айрилар дўст аёвли нарсангни сўрар
- Айтишсанг сўз чиқади, туртишсанг кўз чиқади
- Айтилмаган қўноқ — йўнилмаган таёқ
- Анқонинг оти бор, зоти йўқ
- Арча хушбўйлигидан мингга киради
- Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди
- Асилнинг хатоси бўлмас, нокаснинг отаси бўлмас
- Аслини билмай сўз демаслар, наслини билмай қиз бермаслар
- Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмайди.

(«Маънолар маҳзани» китобидан)

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 12530 Буюртма — Г-255 1 2 3 4 5